

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими**

UZMARC машинада ўқиладиган коммуникатив формати

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги

Тошкент

Сўз боши

1 «UNICON.UZ» - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази Давлат унитар корхонаси («UNICON.UZ» ДУК) томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

2 Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги стандартлаштириш бўйича 7-сон техник қўмита томонидан КИРИТИЛГАН

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 2014 йил 1 январдаги 05-514-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН

4 БИРИНЧИ МАРТА КИРИТИЛГАН

Ўзбекистон ҳудудида ушбу стандарт ва унга киритилган ўзгартиришларнинг амалга киритилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) тўғрисидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда эълон қилинади. Ушбу стандарт қайта кўриб чиқилганда ёки бекор қилинганда тегишли ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичда эълон қилинади.

«Ўзстандарт» агентлиги ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий эълон қилиш мутлақ ҳуқуқига эга

Мундарижа

1 Қўллаш соҳаси	1
2 Норматив ҳаволалар	1
3 Атамалар, таърифлар ва қисқартмалар.	2
4 Қўллаш бўйича қўлланма.	5
4.1 Умумий қоидалар	5
4.2 Форматни ҳужжатлаштириш	5
5 Ёзувлар мазмунини тақдим этиш схемаси	5
5.1 Маълумотлар майдони – майдонлар тавсифи	5
5.2 Формат структураси	6
6 Майдонлар рўйхати	15
6.1 0xx майдонлар блоки – идентификация қилиш блоки	15
6.2 1xx майдонлар блоки – кодланган ахборот блоки	43
6.3 2xx майдонлар блоки - тавсифловчи ахборот блоки.	113
6.4 3xx майдонлар блоки – изохлар блоки	119
6.5 4xx майдонлар блоки – ёзувларнинг боғланиш блоки	127
6.6 5xx майдонлар блоки – ўзаро боғланган сарлавҳалар блоки . .	132
6.7 6xx майдонлар блоки – мавзунини аниқлаш блоки	139
6.8 7xx майдонлар блоки – жавобгарлик блоки	148
6.9 8xx майдонлар блоки – халқаро фойдаланиш блоки	154
6.10 9xx майдонлар блоки – миллий фойдаланиш блоки	158
A илова (мажбурий) Республика Жамлама Электрон каталоги иши- га киритилган Ўзбекистон Республикаси муассасаларининг шартли белгиланишлари	160
B илова (маълумот учун) Мамлакатлар номларининг кодлари	161
C илова (маълумот учун) Тиллар номларининг кодлари	164
D илова (маълумот учун) Мусиқий асарнинг мусиқий шакли, тоналлиги ва оҳангини белгилаш учун кодлар.	167
E илова (мажбурий) Муносабатлар кодлари	171
F илова (маълумот учун) UZMARC машинада ўқиладиган форматининг майдонларини тўлдириш бўйича намуналар .	173

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича
стандартлар тизими
UZMARC машинада ўқиладиган коммуникатив формати**

**Система стандартов по информации, библиотечному и
издательскому делу
Коммуникативный машиночитаемый формат UZMARC**

**System of standards on information, librarianship and publishing.
Communication Uzbek machine readable format**

Киритиш санаси 2014-01-13

1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт библиографик ёзувларни яратиш, сақлаш ва миллат ичида ахборот алмашувини амалга ошириш учун UZMARC коммуникатив формати талаблари, таркиби ва маълумотлари элементларини тўлдиришни белгилайди, бу библиографик ахборотдан фойдаланишни осонлаштириш, жамлама каталоглар яратиш ва каталог тузишда харажатларни қисқартириш имконини беради.

Стандарт библиографик маълумотларни яратиш ва улар билан алмашинувда иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси ахборот-кутубхона муассасалари, бошқа ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган ахборот-кутубхона ресурсларининг машинада ўқиладиган каталогини тузишга тааллуқлидир.

2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.76-96 Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу. Комплектование фонда документов. Библиографирование. Каталогизация. Термины и определения

O'z DSt 1214:2009 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот-кутубхона фаолияти, библиография. Атамалар ва таърифлар

O'z DSt 1215:2009 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Библиографик тавсиф. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари

О‘з DSt 2312:2011 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Библиографик ёзув. Ахборот-кутубхона ресурсларининг электрон кўринишдаги библиографик тавсифи. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари

Изоҳ - Ушбу стандартдан фойдаланилганда ҳавола қилинган стандартларнинг Ўзбекистон ҳудудида амал қилишини жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартларнинг тегишли кўрсаткичи ва жорий йилда эълон қилинган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳавола қилинган стандарт алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, у ҳолда ушбу стандартдан фойдаланилганда алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш лозим. Агар ҳавола қилинган стандарт алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, у ҳолда унга ҳавола қилинган қоида, ушбу ҳаволага тааллуқли бўлмаган қисмида қўлланилади.

3 Атамалар, таърифлар ва қисқартмалар

3.1 Ушбу стандартда ГОСТ 7.76 ва О‘з DSt 1214 бўйича атамалар, шунингдек қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилган:

3.1.1 **библиографик объект, библиографик бирлик:** Иккита физик (ҳужжат) ва интеллектуал (асар) шаклида ёзилган билим тўғрисида ахборот.

3.1.2 **қўшимча библиографик ёзув:** Асосий библиографик ёзув базасида тузилган каталоглаштирилган ёзув.

3.1.3 **библиографик ёзув сарлавҳаси** (асосий фойдалана олиш нуқтаси): Библиографик тавсиф олдида жойлашган ва библиографик ёзувларни тартибга солиш ва излаш учун мўлжалланган библиографик ёзув элементи.

3.1.4 **майдон ости идентификатори (майдон ости коди):** Майдон ичидаги майдон остиларни идентификация қилиш учун рақамли ва ҳарфли бўлиши мумкин бўлган иккита символ: майдон ости бўлувчиси ва кодидан иборат бўлган код.

3.1.5 **иерархик даража:** Бирламчи библиографик бирликка, яъни аввал аниқланган иерархик структурада ушбу бирликнинг ҳолатини кўрсатадиган 200 майдонида тавсифланган бирликка берилган мақом.

3.1.6 **индикатор:** Майдон мазмуни, ушбу майдон ва ёзувдаги бошқа майдонлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тўғрисидаги қўшимча ахборотдан иборат ўзгарувчи майдон билан боғлиқ бўлган рақамли ёки ҳарфли символ.

3.1.7 **дастлабки формат:** Ёзув унинг UZMARCда ўзгаришигача мавжуд бўлган маълумотлар формати.

3.1.8 **каталоглаштирилган ёзув:** Ҳужжатни сақлаш шифрини албатта ўз ичига олувчи ва кутубхона каталоги учун мўлжалланган библиографик ёзув.

3.1.9 **назорат майдони:** «0» рақамидан бошланувчи белги билан идентификация қилинувчи майдон.

3.1.10 **белги:** Майдонни идентификация қилиш учун фойдаланиладиган учта рақамли символлар мажмуи.

3.1.11 мазмунини аниқловчилар: Маълумотлар элементларини идентификация қилувчи ва/ёки майдон остиларнинг белгилари, индикаторлари ва идентификаторларидан иборат маълумотлар элементи тўғрисида қўшимча ахборотни тақдим қилувчи кодлар.

3.1.12 асосий библиографик ёзув: Ҳужжатнинг идентификация қилиниши ва изланишини таъминловчи ҳужжат тўғрисидаги янада тўлиқ ахборотдан иборат каталоглаштирилган ёзув.

3.1.13 ўзгарувчан майдон: Маълумотлар ёки майдон остиларнинг битта ёки ундан кўп элементидан иборат ўзгарувчан узунликдаги маълумотлар майдони.

3.1.14 майдон ости: Майдон чегарасидаги ахборотнинг аниқланган бирлиги.

3.1.15 қайд қилинган узунликдаги майдон ости: Барча қўллаш ҳолатлари формат ҳолатлари билан аниқланадиган доимий узунликдаги майдон ости.

3.1.16 майдон: Битта ва ундан ортиқ майдон остилардан иборат белги билан идентификация қилинган символларнинг маълум сатри.

3.1.17 олдинги сарлавҳа: Бевосита каталоглаштирилган сарлавҳадан олдин келадиган сарлавҳа.

3.1.18 аввалги сарлавҳа: Ҳозирги вақтда нашрнинг маълум бўлган номига нисбатан аввалги барча сарлавҳалар.

3.1.19 ёзувларни ажратувчи: Ёзувни кейингисидан ажратиш учун ёзув охирида фойдаланиладиган бошқарувчи символ.

3.1.20 майдон остиларни ажратувчи: Ҳар доим майдон остининг бошини идентификация қилувчи битта ноёб символ.

3.1.21 майдонларни ажратувчи: Ҳар бир ўзгарувчан майдонни кейингисидан ажратиш учун унинг охирида, шунингдек маълумотнома охирида фойдаланиладиган бошқарувчи символ.

3.1.22 белги қўйиш: Библиографик маълумотларга майдон кодларини бериш жараёни.

3.1.23 тўлдирувчи символ: Позицияларга қўйиб чиқиш учун мўлжалланган маълумотларнинг йўқлигини кўрсатиш учун маълум позицияларда фойдаланиладиган символ.

3.1.24 матнли маълумотлар: Кодланган маълумотларга зид равишда каталоглаштириш ёзувида акс эттириш учун мўлжалланган маълумотлар.

3.1.25 фойдалана олиш нуқтаси (излаш элементи): Ном, атама, код ва ҳ.к., яъни библиографик ёзувни излаш ва танлаш учун махсус мўлжалланган тартибга келтирилган ёзув элементлари.

3.1.26 бир хиллаштирилган сарлавҳа: Асар сарлавҳасининг бир нечта бошқа версиялари орасида сарлавҳанинг энг кўп тарқалган шакли.

3.1.27 қайд қилинган майдон: Қайд қилинган узунликдаги ва қайд қилинган форматдаги маълумотлар майдони.

3.1.28 ҳужжатни сақлаш шифри: Ҳарфли ва/ёки рақамли белгиларнинг бирикуви кўринишидаги ҳужжатни сақлаш жойининг

шартли белгиланиши.

3.1.29 маълумотлар элементи: Аниқ идентификация қилишга тегишли бўлган библиографик ёзувнинг энг кичик бирлиги.

3.1.30 ISBD маълумотлари элементлари: ISBD қоидаларига мувофиқ тақдим этилиши керак бўлган библиографик тавсифдаги маълумотлар элементлари.

3.2 Ушбу стандартда қуйидаги қисқартмалар қўлланилган:

ААКТ	автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими
КБК	кутубхона-библиографик классификация
ЭҲМ	Электрон ҳисоблаш машинаси
AACR	Anglo-American Cataloguing Rules – каталоглаштириш-нинг инглиз-америка қоидалари
DDC	Dewey Decimal Classification – Дьюи ўнлик классификацияси
EAN	European Article Number – мақола (товар)нинг Европа рақами
GAC	Geographic Areas Code – географик регион коди
ISBD	International Standard Bibliographic Description – Халқаро стандарт библиографик тавсиф
ISBN	International Standard Book Number - Халқаро стандарт китоб рақами
ISMN	International Standard Music Number – Халқаро стандарт мусиқа рақами
ISO	International Organization for Standardization – Халқаро стандартлаштириш ташкилоти
ISSN	International Standard Serial Number - Халқаро стандарт серия рақами
ISRC	International Standard Recording Code - Аудио/видео ёзувнинг халқаро стандарт рақами
ISRN	International Standard Report Number) – Ҳисоботнинг халқаро стандарт рақами
MARC	Machine-Readable Cataloging – каталоглаштирилган машинада ўқиладиган ёзув формати
OPAC	Online Public Access Catalog – он-лайн режимида ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган каталог
UCS	Universal Character Set – символларнинг универсал тўплами
UDC	Universal Decimal Classification – универсал ўнлик классификация
UPC	Universal Product Code – товарнинг универсал коди
URI	Uniform Resource Identifier – ресурснинг бир хиллаштирилган (бир хил) идентификатори
UZMARC	Uzbek Machine-Readable Cataloging – Каталоглаштирилган машинада ўқиладиган ёзувнинг ўзбекча формати

4 Қўллаш бўйича қўлланма

4.1 Умумий қоидалар

Формат барча ахборот-кутубхона ресурсларининг турлари (монографиялар, серияли нашрлар, картографик материаллар, ноталар, видеоёзувлар, товуш ёзишлар ва бошқалар) учун бириктириладиган тўлиқ матнли файллар (макрообъектлар) учун майдонларни резервлаган ҳолда библиографик маълумотларни тайёрлашда фойдаланилади.

UZMARC формати қўшимча майдонлар, майдон остилар ва кодларни киритиш имкониятига эга эмас. Форматга ўзгаришлар фақат резерв майдонлар ёки майдон остилар ва миллий фойдаланиш блоки қисмида йўл қўйилади.

Коммуникатив формат локал ахборот тизимлари ёзувининг шакли, мазмуни ёки структурасини кўрсатиб ўтмайди. Коммуникатив формат ёзуви локал тизимга зарур чиқариш шакллари кўрсатиб бермайди, лекин ушбу тизимда қабул қилинган тавсиф турларини генерация қилиш учун етарлича маълумотлар тўпламини таъминлаши керак.

4.2 Форматни ҳужжатлаштириш

Қабул қилинган белгилашлар:

- майдон ости идентификатори. «\$» белгисидан майдон ости идентификаторининг биринчи симболи сифатида фойдаланилади;
- бўш жой. «#» хэш белгиси бўш жой симболи ўрнига мисолларда фойдаланилади;
- майдон ажратувчиси. «@» белгисидан библиографик ёзув схемасининг тавсифида майдонлар ажратувчиси сифатида фойдаланилади;
- ёзув охири. «%» фоиз белгисидан ёзув охирининг белгиланиши сифатида фойдаланилади.

5 Ёзувлар мазмунини тақдим этиш схемаси

5.1 Маълумотлар майдони – майдонлар тавсифи

UZMARC формати ўн та функционал блокдан иборат. Блок майдонлари уч символли белгисининг биринчи рақами ушбу блок майдонларидаги мавжуд ахборотни билдиради:

- 0xx – идентификация қилиш блоки
- 1xx – кодланган ахборот блоки
- 2xx – тавсифли ахборот блоки
- 3xx – изоҳлар блоки
- 4xx – ёзувлар боғлиқлиги блоки
- 5xx – ўзаро боғлиқ сарлавҳалар блоки
- 6xx – тематикани аниқлаш блоки

7xx – жавобгарлик блоки

8xx – халқаро фойдаланиш блоки

9xx – миллий фойдаланиш блоки

Майдонлар, шу жумладан резерв майдонларнинг тўлиқ рўйхати 6-бўлимда келтирилган.

5.2 Формат структураси

5.2.1 UZMARC форматининг умумий структураси

Формат қуйидагилардан иборат бўлган библиографик маълумотларни ўз ичига оладиган ёзувлар структурасини белгилайди:

- 24 та символдан иборат ёзув маркери;

- ҳар бир майдон учун маълумотлар майдонларига мос келувчи маълумотлар ёзувида топиш имконига эга бўлган алоҳида мақолаларни ўз ичига олувчи маълумотнома;

- бир-биридан майдон симболи-ажратувчиси билан ажратиладиган ўзгарувчан узунликдаги маълумотлар майдони.

Ёзувнинг схема тарзидаги умумий структураси 1-расмда кўрсатилган.

Ёзув маркери	Ёзувлар маълумотномаси	Ўзгарувчан узунликдаги маълумотлар майдони	Ёзувнинг символ-ажратувчиси - %
--------------	------------------------	--	---------------------------------

1-расм

«Ўзгарувчан узунликдаги майдон» ёзуви соҳасининг биринчи симболи маълумотлар соҳасининг бошланғич симболи ёки маълумотларнинг базавий адреси бўлиб ҳисобланади ва унга ёзувдаги маълумотлар ўрнини ҳисоблаш қулайлиги учун «0» позиция ёзиб қўйилади. UZMARC даги ёзувлар учун бу 001 майдонида ёзиладиган ёзув идентификаторининг (унинг ноёб рақами) биринчи симболидир. Ёзувдаги маълумотлар базавий адресининг ҳолати унинг бошига нисбатан ёзувни компоновка қилишда ҳисобланади ва ёзув маркерида 12-16-позициялар билан берилади.

Ёзув маркери – бу ҳар бир ёзув бошида бўлган ва унга ишлов бериш учун қуйидаги параметрлар: ёзув узунлиги, унинг мақоми, бўйсунадиган ўзаро боғлиқ ёзувлар занжиридаги ёзувнинг иерархик даражаси, ёзув зичлиги даражаси, библиографик тавсиф даражаси, ёзувда акс эттирилган аҳборот тури, маркердан кейин келадиган ёзув маълумотномасининг «режа»си (яъни унинг таркибий элементларининг узунлиги кўрсатилган позициялар) ва бошқаларни ўз ичига олувчи доимий узунликдаги (24 та символ) символлар тўплами.

Маълумотнома – ёзувда бевосита маркердан кейин келадиган ва уч символи белги билан идентификация қилинган ҳар бир майдонга мос келувчи маълумотлар ёзувидаги жойлашган ўрнини аниқлаш имконини берувчи кўраткич. Маълумотнома мақолалар тўплами сифатида тузилган,

улардан ҳар бири ёзувдаги маълумотларнинг маълум майдони билан ўзаро боғланган бўлади. Ёзувдаги майдон такрорланса, маълумотномада белги, мос равишда ёзувдаги майдоннинг такроран пайдо бўлиш маълумотларининг ўрнини белгиловчи мақола ҳам такрорланади. Маълумотнома ҳар бир мақоласининг кўриниши 2-расмда келтирилган.

Белги	Майдон узунлиги	Маълумотлар базавий адресига нисбатан ёзувдаги майдон маълумотлари бошланғич символининг позицияси
-------	-----------------	--

2-расм

Маълумотноманинг ҳар бир мақоласи 12 та символли: майдон белгиси – 3 та символ, маълумотлар майдони узунлиги – 4 та символ, бошланғич символ позицияси – 5 та символли қайд қилинган узунликка эга. Барча ушбу параметрлар «маълумотнома режаси» сифатида маркерда кўрсатилган. Форматдаги ихтиёрий белги учта символга тенг узунликка эга, маълумотноманинг қолган маълумотлари ёзувни компоновка қилишда ҳисобланади ва чапдан ноллар билан керакли символлар сонигача тўлдирилади.

Турли ёзувлардаги маълумотномалар табиий равишда ёзув майдонлари тўпламига мувофиқ мақолаларнинг турли миқдорини ўз ичига олиши мумкин.

Маълумотномадаги белгилар уларнинг кодлари бўйича тартибга солинган.

Ёзувдаги маълумотларнинг ўзгарувчан майдонлари бевосита маълумотномадан кейин келади. Улар майдон белгисини ўз ичига олмайди, бу белги фақат маълумотномадаги ёзувда бўлади, белгилари 4xx блоки майдонларининг маълумотлар майдонига киритиладиган, ичига ўрнатилган майдонлар бундан мустасно, мос равишда маълумотнома орқали ичига ўрнатилган майдонлардан фойдаланиш мумкин эмас. Маълумотларнинг ўзгарувчан майдонлари майдон остиларга бўлинади ёки ўзининг структурасида майдон остиларга эга бўлмаслиги мумкин. Битта майдоннинг маълумотлари бошқа майдон маълумотларидан (@) майдонлар символи – ажратувчиси билан ажратилади.

Майдон остилар билан маълумотлар майдонларининг структураси 3-расмда кўрсатилган.

Инди- ка- торлар 1, 2	Маълумотлар майдон остиси		Маълу- мотлар майдон остиси		Маълу- мотлар майдон остиси	Майдон ажра- тувчиси (@)
	Майдон ости иден- тификатори (\$a ёки \$b ёки \$c ва х.к.)	Майдон остии маъ- лумотла- ри				

3-расм

5.2.2 Ёзув маркери ва маълумотлар майдонлари

Ёзув маркери – ёзувларга ишлов беришда фойдаланиладиган умумий ахборотдан иборат ёзув соҳаси.

Ёзув маркери ҳар бир ёзувнинг бошида жойлашади. Мажбурий ҳисобланади. Такрорланмайди.

Ёзув маркери майдон остиларнинг белгилари, индикаторлари ёки идентификаторларига эга.

Ёзув маркери маълумотларининг элементлари маркер ичидаги позиция билан идентификация қилинади. Маркер 24 та символли узунликка эга. Символлар позициялари 0 дан 23 гача рақамланади.

Ёзув маркери ҳар бир UZMARC библиографик ёзуви бошида бўлади.

Ёзувга ишлов беришда зарур маълумотлардан иборат. 10, 11, 18, 20-23 символлар позициялари ушбу пайтда дастурий генерация қилинадиган махсус, қайд қилинган қийматларидан иборат. 0-4 ва 12-16 символлар позициялари маълум соҳалардаги символлар миқдорини кўрсатувчи сонли маълумотлардан иборат. Улар ёзувни шакллантиришда дастурий ҳисобланади. 5, 6-8, 17 символлар позициялари учун қийматлар каталогизатор ёрдамида қўйилиши керак.

Ёзув маркери маълумотларининг элементлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал. Ёзув маркери маълумотларининг элементлари

Символлар позицияси	Бериладиган код	Символлар ва кодлар таърифи
1	2	3
0-4		Ёзув узунлиги – бутун ёзув узунлигини, шу жумладан унинг ўзини ва ёзув охири аломатини кўрсатувчи беш хонали сон. Сон ўнгга етакловчи ноллар билан тенглаштирилади.
5		Ёзув мақоми – ёзувнинг унинг ташкил этувчи файлига нисбатини кўрсатувчи бир ҳарfli код, бу ушбу файлни қўллаб-қувватлаш учун зарур.
	n -	Янги ёзув (шу жумладан нашр қилингунгача)
	o -	Янги ёзув (шу жумладан нашр қилингунгача), ўзаро боғланган ёзувларнинг иерархияли занжирида исталган бўйсунувдаги даражасини эгаллайди, яъни энг юқори даражадан паст (позициянинг қиймати 8, маркер қиймати – «2»).

1-жадвалнинг давоми

1	2	3
	d -	Чиқариб ташланган ёзув. Тегишли назорат рақамига эга бошқа ёзув ҳақиқий эмаслигини кўрсатиш учун алмашувда иштирок этувчи ёзув. Ёзув фақат маркер, маълумотнома ва 001 майдонидан иборат бўлиши мумкин ёки барча майдонлардан иборат бўлиши мумкин.
	c -	Тузатилган ёзув. Ушбу ёзув тегишли назорат рақамига эга бошқа ёзувнинг ўрнини босиши кераклигини кўрсатиш учун алмашувда иштирок этувчи ёзув.
	p -	Нашр қилингунгача бўлган ёзув. Нашр қилингунгача бўлган ёзув нашр босиб чиқарилгандан кейин янги элементлар билан тўлдирилади, унинг мақоми ўзгармайди («р» коди қолади), агар дастлаб тузилган нашр қилингунгача бўлган ёзувга хато киритилган маълумотларга тузатишлар киритилса, у ҳолда унинг мақоми «с»га алмаштирилади.
6		Ёзув тип – тавсифланадиган ҳужжат билан қайд қилинган ахборот типини акс эттиради. Жамлама каталог ёки алмашув иштирокчиларининг ички форматлари ёзув типига боғлиқ ҳолда битта ўша майдонларга турлича ишлов беришни тавсия қилиш мумкинлиги муносабати билан қайд қилишни талаб қилади.
	a -	Матнли материаллар, босма. Босма матнли материаллар, босма матнли материалларнинг микрошакллари, шунингдек электрон матнли материалларни ўз ичига олади.
	b -	Матнли материаллар, қўлда ёзилган. Қўлда ёзилган матнли материаллар микрошакллари ва электрон қўлда ёзилган матнли материаллар.

1	2	3
	c -	Муסיқа партитуралари, босма. Босма муסיқа партитуралари, босма муסיқа партитураларининг микрошакллари, шунингдек электрон муסיқа партитуралари.
	d -	Муסיқа партитуралари, қўлда ёзилган. Қўлда ёзилган муסיқа партитураларининг микрошакллари ва электрон қўлда ёзилган муסיқа партитуралари.
	e -	Картографик материаллар, босма. Географик карталар, атласлар, глобуслар, рақамли географик карталар, шунингдек бошқа картографик бирликларни ўз ичига олади.
	f -	Картографик материаллар, қўлда ёзилган. Қўлда ёзилган картографик материалларнинг микрошакллари ва электрон қўлда ёзилган географик карталарни ўз ичига олади.
	g -	Проекцияга оид ва видеоматериаллар (кинофильмлар, диафильмлар, слайдлар, плёнкали материаллар, видеоёзувлар).
	i -	Товуш ёзиш, муסיқага оид бўлмаган
	j -	Товуш ёзиш, муסיқага оид
	k -	Икки ўлчовли графика (картиналар, чизмалар ва ш.к.). Мисоллар: графиклар, схемалар, коллажлар, компьютер графикаси, расмлар, нусха кўчириш учун намуналар («duplication masters» ва «spirit masters»), фотонегативлар, фотонашрлар, расмлар, CD даги фотосуратлар, почта открыткалари, плакатлар, эстамплар, техник чизмалар, фотомеханик репродукциялар, шунингдек юқорида келтирилган материалларнинг репродукциялари.

1-жадвалнинг давоми

1	2	3
	1 -	Электрон ресурслари. Электрон ресурсларнинг қуйидаги класслари-ни ўз ичига олади: дастурий таъминот (шу жумладан дастурлар, ўйинлар, шрифтлар), маълумотлар базалари, сонли маълумотлар, компьютерга мўлжалланган мультимедиа, он-лай тизимлари ёки хизматлар. Материалнинг маркер 6-позиция кодининг қиймати билан белгиланадиган бошқа тоифага тегишлилиги-ни талаб қилувчи муҳим аспект мавжуд бўлса, ушбу материаллар класслари учун 1 коди ўрнига ушбу аспектга (масалан, картографик векторли тасвирлар сонли маълумотлар сифа-тида эмас, балки картографик материаллар сифатида кодланади) мос келувчи коддан фойдаланилади. Электрон ресурсларнинг бошқа класслари уларнинг энг аҳамиятли ас-пектига мувофиқ кодланади, масалан, матнли материал, графика, картографик материал, муסיқий ёки муסיқий бўлмаган товуш ёзиш, ҳаракатланувчи тасвир. Агар энг муҳим ас-пект бир хил белгиланиши мумкин бўлмаса, хужжат «электрон ресурс» сифатида кодлана-ди.
	m -	Бир нечта ташувчилардаги ахборот (масалан, дискета, CD ва ш.к.да дастурлар илова қилинган китоб) Иккита ёки ундан ортиқ бирликлар типларига тегишли компонентлардан иборат; компо-нентлардан ҳеч бири тўпламда асосий бўлиб ҳисобланмайди.

1	2	3
	г -	Уч ўлчамли сунъий (шу жумладан бадиий) объектлар ва табиий муҳит. Сунъий, инсон қўллари билан яратилган, моделлар, диорамалар, ўйинлар, жумбоқлар, макетлар, хайкаллар каби объектлар ва бошқа уч ўлчамли бадиий объектлар ва уларнинг репродукциялари, экспонатлар, қурилмалар, кийим предметлари, ўйинчоқлар, шунингдек табиий объектлар, масалан: микроскоп остида ўрганиш учун намуналар ва визуал ўрганиш учун мўлжалланган бошқа намуналар.
7		Библиографик даража – ёзувнинг библиографик даражасини кўрсатувчи бир ҳарфли код.
	a =	Таҳлилий – ҳужжат физик бирликнинг (таркибий қисми) қисми ҳисобланади.
	m =	Монографик - ҳужжат физик жиҳатдан бир бутундан иборат ёки қисмларнинг (бир томлик, кўп томлик, ёпиқ кутубхонача, том (айрим ҳолда - серияли нашрнинг йиллик комплекти) олдиндан маълум миқдорида нашр этилади, серияли нашрнинг алоҳида чиқарилиши.
	s =	Серияли – кетма-кет қисмлар билан чиқариладиган ва номаълум вақт даври давомида нашр этиш учун мўлжалланган ҳужжат (серияли нашр библиографик тавсифининг умумий қисми).
	c =	Саралаб тўплаш – сунъий равишда комплектланган библиографик бирлик. Масалан: қути ёки папкада брошюралар тўплами. Ушбу коддан фақат тўпламнинг библиографик тавсифини тузишда фойдаланилади.
8		Иерархик даража коди - код ёзувнинг ўша файлдаги бошқа ёзувлар билан иерархик алоқасини аниқлайди ва унинг иерархиядаги нисбий ҳолатини кўрсатади. Агар бошқа даражаларнинг ёзувлари ҳақиқатда мавжуд бўлса, 1 ва 2-кодлардан фойдаланиш керак.
	0 -	Иерархик алоқа йўқ
	1 -	Юқори даражадаги ёзув
	2 -	Юқори даражадан паст ёзув (юқори даражадан паст ҳар қандай ёзув)

1-жадвалнинг давоми

1	2	3
9		Аниқланмаган - # бўш жой символидан иборат.
10		Индикатор узунлиги - «2» константадан иборат
11		Майдон ости идентификатори узунлиги - «2» константадан иборат.
12-16		Маълумотларнинг базавий адреси – ёзув бошига нисбатан маълумотлар биринчи майдонининг бошланғич символли позициясини кўрсатувчи ноллар билан ўнг томонга тўғриланадиган бешта ўнли рақам. Маълумотномада ҳар бир майдон учун символларнинг бошланғич позицияси биринчи маълумотлар майдонининг биринчи символига нисбатан берилади. Базавий адрес асосий ҳисобланади, унинг ёрдамида ҳар бир майдоннинг позицияси ҳисобланади. Тизим билан генерация қилиниши керак.
17		Кодлаш даражаси - библиографик ёзувни тузиш шартлари ва шу орқали - машинада ўқиладиган ёзувнинг тўлиқлик даражасини кўрсатувчи бир символли код.
	# =	Тўлиқ даража – жамлама электрон каталогда фойдаланиш учун ёки алмашув учун тайёрланган, тўлиқ каталоглаштирилган ҳужжат тўғрисида тўғри тузилган ёзув. (Барча майдонлар ва майдон остилар тўлдирилган каталоглаштириладиган ресурс асосида тузилган ёзув).
	1 =	1-қуйи даража – каталог карточкаси (ретроконверсия) асосида тузилган ёки форматнинг барча мажбурий (шу жумладан шартли мажбурий) элементларини тўғри тўлдириш учун етарлича маълумотларни тақдим этмайдиган бошқа форматдан импорт қилинган ва ҳужжат бўйича тўғриланмаган ёзув.
	2 =	2-қуйи даража – танитадиган ёзув (масалан, нашр қилингунгача бўлган ёзув, каталоглаштиришдан ўтмайдиган ҳужжат учун ёзув).
	3 =	3-қуйи даража – тўлиқ каталоглаштирилмаган ҳужжат (дастлабки, тўлиқ бўлмаган ёзув, охиригача етказишни талаб қилади).

1-жадвалнинг охири

1	2	3
18		Каталоглаштирилган тавсиф шакли - 200-225 майдонлари O‘z DSt 1215 ва O‘z DSt 2312 (ISBD билан уйғунлаштирилган) стандартлари талабларига мос келиши ёки мос келмаслигини кўрсатувчи бир символли код.
	# -	Ёзув ISBD қоидалари бўйича тузилган.
	i -	Ёзув ISBD қоидалари бўйича тўлиқ тузилмаган (алоҳида майдонлар ISBD қоидаларига мос келмади).
19		Хужжатлар коллекциясини белгилаш - локал фойдаланишнинг бир символли коди (лотин шрифтидан фойдаланиш). Ушбу позициядан фойдаланиш зарурати бўлмаган ҳолатда # бўш жой символини қўйиш зарур.
	b –	Китоблар, брошюралар, варақалар
	s –	Даврий нашрлар
	j –	Давом этувчи нашрлар
	z –	Журнал мақолалари
	w –	Газета мақолалари
	c –	Мақолалар (манба турини аниқламасдан)
	r –	Рецензиялар
	a –	Диссертациялар авторефератлари
	g –	Тасвирий нашрлар
	n –	Нотали хужжатлари
	o –	Нодир/эски босмадаги нашрлар
	t –	Бутун илмий-техник хужжатлар
	p –	Патент хужжатлари
	u –	Стандартлаштириш бўйича хужжатлар
	m –	Картографик материаллар
	d –	Диссертациялар
	h –	Қўл ёзмалар
	v –	Аудио-видео хужжатлар
	i –	Халқаро ташкилотлар хужжатлари
	e –	Электрон ресурслар
	f –	Депозитга қўйилган ишлар
	k –	ИТТКИ бўйича ҳисоботлар
	l –	Бошқа нашр қилинмаган хужжатлар
20-23		Маълумотнома режаси – бу форматдаги символлар кетма-кетлиги 450# константа бўлиб ҳисобланади ва дастурий жихатдан генерация қилиниши мумкин.

6 Майдонлар рўйхати

6.1 0xx майдонлар блоки – идентификация қилиш блоки

Блок ёзувни идентификация қилувчи рақамлардан ёки унда тавсифланган бирликдан иборат.

Қуйидаги майдонлардан фойдаланилади:

- 001 Ёзув идентификатори
- 005 Ёзув версияси идентификатори
- 010 Халқаро стандарт китоб рақами (ISBN)
- 011 Серияли нашрларнинг халқаро стандарт рақами (ISSN)
- 012 Фингерпринт идентификатори
- 013 Муסיкий асарни нашр этиш халқаро стандарт рақами (ISMN)
- 014 Мақола идентификатори
- 015 Техник ҳисоботнинг халқаро стандарт рақами (ISRN)
- 016 Аудио/видео ёзувнинг халқаро стандарт рақами (ISRC)
- 017 Бошқа стандарт идентификатори
- 020 Миллий библиография рақами
- 021 Давлат рўйхатига олиш рақами
- 022 Давлат ҳокимияти органининг нашр этиш рақами
- 029 Хужжат рақами (норматив-техник ва техник хужжатлар. Нашр этилмаган хужжатлар)
- 035 Бошқа тизим рақамлари
- 036 Муסיқавий инципит
- 039 Талабнома рақами (патент хужжатлари)
- 040 CODEN
- 071 Нашриёт рақами
- 072 Товарнинг универсал коди (UPC)
- 073 Халқаро товар рақами (EAN)

001 Ёзув идентификатори

Майдон ёзувни бир хил идентификация қилувчи символлар тўплами, айниқса уни тайёрлаган ахборот-кутубхона муассасаси томонидан берилган ёзувнинг назорат рақамидан иборат.

Мажбурий.

Такрорланмайди.

Индикаторларга эга эмас.

Майдон остилардан иборат эмас.

Ёзув идентификатори Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасалари жамлама каталогининг ҳар қандай ёзуви учун ноёб бўлиши керак. Шунинг учун ёзув идентификатори қуйидаги таркибий структурага эга: UZ-XXX-bibr-nppn, бу ерда UZ – Ўзбекистон Республикаси коди, XXX – ёзувни (лотин ҳарфлари билан) яратган муассасанинг шартли белгиланиши, bibr – «библиографик ёзув» белгиланиши, nppn – ушбу муассаса библиографик ёзувининг тартиб рақами.

Мисол

UZ-NLU-bibr-4526

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан яратилган ёзув идентификатори

Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасаларининг шартли белгила-нишлари А иловада келтирилган.

005 Ёзув версияси идентификатори

Майдон ёзувга охирги ишлов бериш санаси ва вақтидан иборат. Бу автоматлаштирилган тизимга ишлов бериладиган ёзувнинг охирги, олдинги версияси эканлиги ёки ўша дастлаб ишлов берилган ёзувнинг версияси эканлигини аниқлаш имконини беради. Дастурий жиҳатдан шакллантирилади.

Факультатив, тавсия этилади.

Такрорланмайди.

Индикаторларга эга эмас.

Майдон ости идентификаторларига эга эмас.

Маълумотлар форматда қуйидаги саналар учун киритилади: ГТГГММДД, бу ерда ГТГГ - йил, ММ - ой, ДД – ой санасидан иборат. Вақт ЧЧММСС.Т шаклида киритилади, бу ерда ЧЧ - 24-соат саноғидан келиб чиққан ҳолда соатни, ММ - минутни, СС - секундни ва Т – секунднинг ўнинчи улушини билдиради. Барча сонлар учун, агар зарур бўлса, бошланғич нолларни қўшадилад.

Мисол

005 19960901141236.0

Охирги ишлов бериш санаси – 1996 йил 1 сентябрь 14:12:36 соат-да (яъни тушдан кейин 2:12:36), сон «1» эмас, балки «01» каби ёзилади, сентябрь «9» эмас, балки «09» билан белгиланади.

Ўзаро боғлиқ майдонлар:

100 Умумий ишлов бериш маълумотлари, 0-7 символлар позицияси
\$a майдон ости

801 Ёзувни тузиш манбаси, \$c майдон ости тузиш санаси

010 Халқаро стандарт китоб рақами (ISBN)

Майдон ISBN ва, агар ёзувда биттадан кўп рақам мавжуд бўлса, рақамлар ўртасидаги фарқларни белгиловчи аниқликлардан иборат. Майдон (\$9 майдон остидан ташқари) O'z DSt 1215 стандартининг «Стандарт рақам (ёки унинг муқобили) ва фойдаланиш шартлари соҳаси»га мос келади. \$9 майдон ости O'z DSt 1215 стандартининг «Изоҳлар соҳаси»га тегишли.

ISBN мавжуд бўлганда мажбурий.

Агар биттадан кўп тўғри ISBNни ёзиш зарур бўлса, такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a ISBN рақами.

Тўғри тузилган ISBN, шу жумладан «ISBN» аббревиатурасиз дефислардан иборат.

ISBN мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Аниқликлар.

Нашрга киритилган аниқликларни ўз ичига олади: нашр этувчининг номи ёки исми, муқованинг мавжудлиги ёки комплект ёки алоҳида жилд билан ISBNнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш.

Факультатив.

Такрорланади.

\$d Баҳо

Каталоглаштириладиган ахборот-кутубхона ресурсининг баҳоси тўғрисидаги маълумотлардан иборат.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$9 Адади

Каталоглаштириладиган ахборот-кутубхона ресурсининг адади тўғрисидаги маълумотлардан иборат.

Факультатив.

Такрорланади.

\$z Хато ISBN.

Хато берилган, кейинчалик бекор қилинган ISBN, нотўғри назорат суммали ISBN ёки хато босиб чиқарилган ISBN.

Факультатив.

Такрорланади.

\$a майдон остидаги «ISBN» аббревиатураси киритилмайди ва ёзувни чиқаришда автоматик равишда генерация қилинади. \$b майдон остидаги аниқлаштирувчи сўзлар ҳеч қандай белгиларсиз киритилади, ёзувни чиқаришда эса сўзлар дастурий жиҳатдан () қавслар ичига ёзилади. \$d майдон ости маълумотларини акс эттиришда каталогизатор ёрдамида киритилмайдиган «:» икки нуқтанинг олдинги белгиси дастурий жиҳатдан генерация қилинади.

Ўзаро боғлиқ майдонлар:

011 Серияли нашрларнинг халқаро стандарт рақами (ISSN)

Мисоллар

1 – 10000 нус. – ISBN 978-9943-00-314-9 (м. 2) (муқ.да).

010##\$a978-9943-00-314-9\$b м. 2\$bмуқ.да.\$910000 нус.

2 – ISBN 5-7990-0074-9. – ISBN 5-7990-074-9 (хато)

010##\$a5-7990-0074-9\$z5-7990-074-9\$bхато.

3 – 30000 нус. – ISBN 5-7084-0075-7 (МИРОС). – ISBN 5-7133-0815-4 (Международные отношения).

010##\$a5-7084-0075-7\$bМИРОС\$930000 нус.

010##\$a5-7133-0815-4\$bМеждународные отношения

011 Серияли нашрларнинг халқаро стандарт рақами (ISSN)

Майдон ISSN маркази томонидан ҳужжатга берилган ISSN, берилган ёки бекор қилинган ISSN, шунингдек фойдаланиш шартлари ва/ёки нашрнинг баҳоси тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Бу майдон (\$9 майдон остидан ташқари) O‘z DSt 1215 стандартининг «Стандарт рақами (ёки унинг муқобили) ва фойдаланиш шартлари соҳаси»га мос келади. \$9 майдон ости O‘z DSt 1215 стандартининг «Изоҳлар соҳаси»га тегишли.

ISBN мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланади.

1-индикатор: Давом этувчи ресурс аҳамияти индикатори.

1-индикатор давом этувчи ресурснинг халқаро ёки миллий фойдаланувчилар учун ёки фақат локал фойдаланувчилар учун қизиқиш уйғотиш ёки уйғотмаслигини кўрсатади:

- # - Аҳамиятлилиқ даражаси аниқланмаган/Қўлланилмайди;

- 0 – Давом этувчи ресурс халқаро ёки миллий фойдаланувчилар учун қизиқиш уйғотади;

- 1 - Давом этувчи ресурс фақат локал фойдаланувчилар учун қизиқиш уйғотади.

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a ISSN рақами.

Тўғри тузилган ISSN, шу жумладан «ISSN» аббревиатурасиз тўртинчи ва бешинчи рақамлар ўртасидаги дефисдан иборат.

ISBN мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Аниқликлар

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$d Баҳо.

Факультатив.

Такрорланади.

\$f ISSN-L, ёки «боғловчи ISSN»

Турли ташувчиларда нашр этиладиган давом этувчи ресурс версияларининг ўзаро боғланиши учун ISSN тармоғи томонидан берилган ISSN.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$g Бекор қилинган ISSN-L

Майдон ости давом этувчи ресурсга хато берилган ISSN-Lдан иборат.

Факультатив.

Такрорланади.

\$y Бекор қилинган ISSN.

Расмий жиҳатдан тўғри ҳисобланган, лекин ISSN маркази томонидан бекор қилинган ҳар қандай ISSNдан иборат.

Факультатив.

Такрорланади.

\$z Хато ISSN ёки ISSN-L.

Кўпинча матбаа хатолари оқибатида \$g ёки \$y майдон остида мавжуд бўлганлардан фарқланувчи ҳар қандай нотўғри ISSN ёки ISSN-Lни ўз ичига олади.

Факультатив.

Такрорланади.

\$9 Адади

Каталоглаштириладиган ресурснинг адади тўғрисидаги маълумотлардан иборат.

Факультатив.

Такрорланади.

011 майдони фақат серия даражасидаги (7-маркер позициясида – «s» коди) нашр учун ёзувларда иштирок этиши мумкин. 011 майдонига сарлавҳаси 200 майдонида келтирилган ISSN серияси киритилади.

«Серия соҳаси»даги ISSN серия ёки серия остини чиқариш учун 225 майдоннинг \$x майдон остисидан фойдаланилади.

Агар 200 майдонидаги сарлавҳага биттадан ортиқ тўғри ISSN мос келса, у ҳолда 011 майдони ҳар бир ISSN учун (шу жумладан турли ташувчиларда чиқадиган ISSN нашрни кўрсатиш учун) такрорланади.

Агар 200 майдони тўпланадиган серия остини ўз ичига олувчи серия сарлавҳасидан иборат бўлса, у ҳолда ISSN серия ости ёзувга серия ости учун киритилади. Агар серия тўпланмайдиган серияни ўз ичига олса, у ҳолда ISSN серия ости 462 Тўплам ости даражаси майдони ичига ўрнатилган 011 майдони киритилади. Агар серия ости тўпланмайдиган серияга киритилса, унда ISSN серия 461 Тўплаш даражаси майдони ичига

Ўзаро боғлиқ майдонлар:

010 Китобнинг халқаро стандарт рақами (ISBN)

013 Мусиқий асарни нашр этиш халқаро стандарт рақами (ISMN)

225 Серия

530 Асосий сарлавҳа (давом этувчи ресурслар)

Мисоллар

1 Нефтегаз технологияси : ойлик журнал. - Тошкент : Ёқилғи ва энергетика, 1994 - . - ISSN 0202 - 4578.

011##\$a0202 – 4578

2001#\$a Нефтегаз технологияси\$eойлик журнал

2 Изучение флюидных включений в минералах / Хитаров Д. Н. – Москва : Геоинформмарк, 1994. – 44 с., ил. ; 20 см. – (Лабораторные и технологические исследования минерального сырья : обзорная информация / АО закрытого типа «Геоинформмарк», ISSN 0235-5574 ; вып. 1).

2001#\$aИзучение флюидных включений в минералах\$fХитаров Д.Н. ...

2251# \$aЛабораторные и технологические исследования минерального сырья\$eобзорная информация\$fАО закрытого типа «Геоинформмарк»\$x0235-5574\$vвып. 1 ...

461#0\$1011##\$a0235-5574\$12001#\$aЛабораторные и технологические исследования минерального сырья\$eобзорная информация\$fАО закрытого типа «Геоинформмарк»\$vвып. 1

3 ISSN и ISSN-L продолжающегося ресурса Social policy highlight, который издается в печатном и электронном виде.

Запись печатной версии:

0110#\$a1818-5894\$f1818-5894

Запись электронной версии:

0110#\$a1818-5940\$f1818-5894

012 Идентификатор-фингерпринт

Майдон эски босмадаги монографик нашрлар учун идентификатор-фингерпринт ва ушбу майдонни қабул қилувчи ташкилот кодидан иборат, бу код идентификаторлар-фингерпринтлар ёзувида биттадан ортиқ мавжуд бўлса, улар ўртасидаги фарқни белгилайди.

Майдон O'z DSt 1215 стандартининг «Стандарт рақам (ёки унинг муқобили) ва фойдаланиш шартлари соҳаси»га мос келади.

Фингерпринт – бу ҳар бир нашрни ноёб таниладиган қилиш тартибида маълум бетлардан кўчирилган символлар гуруҳлари ёрдамида тузилган қадимги монографик нашрларни идентификация қилиш усули.

\$5 ва \$9 майдон остиларда келтирилган маълумотлар майдон тааллуқли бўлган нусханинг бир хил идентификация қилинишини таъмин-

лаши керак.

Факультатив, тавсия этиладиган.

Такрорланади

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Фингерпринт.

Ҳисобланадиган идентификатор фингерпринт. Фингерпринт ёзувни тузувчи муассасаларга берилади.

Агар 012 майдони ёзувда иштирок этса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$2 Фингерпринт тизим коди.

Қоидалари бўйича \$a майдон остида Фингерпринт тузилган тизим коди.

Агар 012 майдони ёзувда иштирок этса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$5 Ташкилот ва майдон тааллуқли бўлган нусха

Ташкилот – майдон тааллуқли бўлган нусха эгаси номи (кодланган ёки тўлиқ шаклда).

Агар ташкилотда биттадан ортиқ нусха сақланса, у ҳолда майдон ости икки нуқтадан кейин келтирилган, жой-жойига қўйилган шифрлардан иборат бўлиши керак.

Майдон мавжуд бўлганда майдон ости мажбурий ҳисобланади.

Такрорланмайди.

\$9 Нусханинг инвентарь рақами

Факультатив.

Такрорланмайди.

Ўзаро боғлиқ майдонлар:

301 Идентификацион рақамларга тааллуқли бўлган изоҳлар

Мисол

012##\$aoccon humi nche covn 3 MDLXXX\$2fei\$5CiZaNSB : R II F-8°

-307

Фингерпринт для Opera di Marco Marulo da Spalato Circa L'Institutione del buono e beato vivere. In Venetia, 1580. Фингерпринт взят из экземпляра национальной и университетской библиотеки (Nacionalna i sveucilisna biblioteka), Zagreb, шифр экземпляра R II F-8° -307. Фингерпринт построен с использованием правил Fingerprints = Empreintes = Impronte.

013 Мусикий асарни нашр этиш халқаро стандарт рақами (ISMN)

Майдон ISMN ва аниқликлардан иборат, улар агар ёзувда биттадан ортиқ рақам мавжуд бўлса, ISMN рақамлари ўртасидаги фарқларни аниқлайди. Майдон (\$9 майдон остидан ташқари) О‘з DSt 1215 стандартининг «Стандарт рақам (ёки унинг муқобили) ва фойдаланиш шартлари соҳаси»га мос келади. \$9 майдон ости О‘з DSt 1215 стандартининг «Изоҳлар соҳаси»га тааллуқли.

Майдон, агар у ISMNдан иборат бўлмаган ҳолатда, баҳо тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

ISMN мавжуд бўлганда мажбурий.

Агар ёзувда биттадан ортиқ ISMN иштирок этса, такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a ISMN рақами.

Тўғри тузилган ISMN, шу жумладан «ISMN» аббревиатурасиз дефислардан иборат.

ISMN рақамлари ҳар бир мамлакат ичида махсус агентлик томонидан берилади.

Агар майдон ёзувда иштирок этса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Аниқликлар.

\$a майдон остидаги рақамга бўлган аниқликлардан иборат, масалан, нашриёт номи, томнинг белгиланиши ва рақами, муқованинг мавжудлиги ва тури.

Маълумотлар мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланмайди.

\$d Баҳо.

Тавсифланадиган ҳужжат баҳоси. Агар ёзувда 010 майдони мавжуд бўлса ва ушбу майдон ости маълумотлари 010\$d да келтирилган маълумотлар билан мос келса, у ҳолда ушбу майдон ости тушириб қолдирилиши мумкин.

Маълумотлар мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланмайди.

\$z Хато ISMN.

Тавсифланадиган ҳужжатга тааллуқли бўлган, хато эканликлари маълум бўлган ҳар қандай ISMN ни ўз ичига олади.

Маълумотлар мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланади.

\$9 Адади

Каталоглаштириладиган ресурснинг адади тўғрисидаги маълумотлардан иборат.

Факультатив.

Такрорланади.

Одатда нашр этишда рақамнинг ўзи олдида босиб чиқариладиган «ISMN» ҳарфлари 013 майдонида киритилмаслиги керак. Ҳужжатда нотўғри босиб чиқарилганлиги маълум бўлган ҳар қандай ISMN нашрда мавжуд ISMN бўйича изланиши мумкин бўлган ёзувни қўшимча излаш имкониятини таъминлаш учун \$z (хато ISMN) майдон остига киритилиши мумкин.

Дефислар (бўш жойлар)дан рақамнинг тўртта қисмини ажратиш учун \$a ва \$d майдон остиларда фойдаланилади. Ҳар қандай бошқа тиниш белгиларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ёзув ёзувни тайёрлайдиган агентлик тажрибасига боғлиқ ҳолда биттадан ортиқ рақамдан иборат бўлган ҳолда, ISMNни ажратиш учун битта ёки бир нечта ISMNга \$b майдон ости аниқликлари қўшилиши мумкин.

Майдон ҳар бир тўғри ISMN учун такрорланади. Агар ушбу нотўғри ISMN ёзувга киритилган тўғри рақамлар билан бир хил боғланиши мумкин бўлмаса, майдон нотўғри ISMN учун ҳам такрорланиши керак. Агар шундай боғланиш мавжуд бўлса, у ҳолда нотўғри ISMN ва унга тегишли тўғри рақам 013 майдонининг ўша киришига киритилиши керак.

Ўзаро боғлиқ майдонлар:

010 Китобнинг халқаро стандарт рақами (ISBN)

011 Серияли нашрнинг халқаро стандарт рақами (ISSN)

301 Идентификацион рақамларга тегишли изоҳлар

Мисоллар

1 013##\$aM-706700-00-7\$bHDS

013##\$aM-705701-00-4\$bMIC

Тавсифланадиган ҳужжат «Hrvatsko drustvo skladateljа» ва «Музички информативни центар» билан биргаликда босиб чиқарилган. Ҳар бир наشريёт ўзининг ISMNни беради.

2 013##\$aM-9005202-2-7\$bbound

013##\$aM-9005202-3-4\$bpbk

Нашр қаттиқ ва қоғоз муқовада мавжуд.

3 013##\$aM-9005202-1-0\$zM-9005202-1-X

ISMN M-9005202-1-0 назорат рақами ўрнига «X» симболи билан нотўғри босиб чиқарилган.

014 Мақоланинг идентификатори

Майдон серияли нашр мақоласига берилган ноёб коддан иборат. Серияли нашрни чиқариш идентификаторининг компонентлари: ISSN, нашрни эълон қилиш санаси, нашр рақами, SICI стандарт версияси рақами,

назорат симболи. Серияли нашрдаги мақола идентификаторининг компонентлари: мақоланинг жойлашган жойи (масалан, саҳифа рақами), мақола сарлавҳаси коди (агар битта саҳифада бир нечта мақола жойлашган ҳолатда).

Маълумотлар мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Мақола идентификатори.

Маълумотлар мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланмайди.

\$ z Мақоланинг хато идентификатори.

Факультатив.

Такрорланади.

\$ 2 Тизим коди.

Тизим идентификатори, унга мувофиқ \$a ёки \$z майдон остидаги идентификатор тузилган.

Мажбурий.

Такрорланмайди.

Мисол

014##\$a0024-2519/91/6103-0003\$01.00\$2sici

014 майдони «Library Quarterly» v.61, no.3 дан олинган «Core Journal Networks and Cocitation Maps: New Bibliometric Tools for Serials Research and Management» мақоланинг идентификаторидан иборат. («\$») долларнинг иккинчи белгиси майдон ости идентификаторининг эмас, балки мақола идентификаторининг қисми ҳисобланади.

015 Техник ҳисоботнинг халқаро стандарт рақами (ISRN)

Майдон ISRN миллий маркази томонидан берилган ISRN дан иборат. Майдон (\$9 майдон остидан ташқари) О‘з DSt 1215 стандартининг «Стандарт рақам (ёки унинг муқобили) ва фойдаланиш шартлари соҳаси»га мос келади. \$9 майдон ости О‘з DSt 1215 стандартининг «Изоҳлар соҳаси»га тааллуқли. ISRN техник ҳисоботларни (нашр қилинган ҳамда нашр қилинмаган) идентификация қилиш, ташкил қилиш ва сақлаш учун фойдаланиладиган ноёб, лекин бир-бирига мос келадиган рақамларни яратиш учун ягона форматни аниқлайди.

Факультатив.

Агар ёзувда биттадан ортиқ ISRN иштирок этса, такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a ISRN рақами.

Тўғри тузилган ISRN, шу жумладан «ISRN» аббревиатурасиз дефислардан иборат.

ISRN мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Аниқликлар.

\$a майдон остида мавжуд бўлган ISRNга тааллуқли аниқликлардан иборат. Одатда аниқликлар нашр этувчи исми ёки нашр муқовасининг типини ўз ичига олади ёки ISRN бутунича тўпلامга ёки алоҳида бирликка тааллуқлигини аниқлайди.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$d Баҳо ва/ёки фойдаланиш шартлари.

Каталоглаштириладиган ресурс баҳоси тўғрисидаги маълумотлар ва ундан фойдаланиш шартлари тўғрисидаги ихтиёрий маълумотлардан иборат. Агар ёзувда 010 майдони мавжуд бўлса ва ушбу майдон ости маълумотлари 010\$d да келтириладиган маълумотлар билан мос келса, у ҳолда 015 майдонининг \$d майдон остиси тушириб қолдирилиши мумкин.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$z Хато ISRN.

Хато берилган ISRN, кейинчалик бекор қилинган ёки нотўғри босиб чиқарилган.

Факультатив.

Такрорланади.

\$9 Адади

Каталоглаштириладиган ресурс адади тўғрисидаги маълумотлардан иборат.

Факультатив.

Такрорланади.

Ўзаро боғлиқ майдонлар:

010 Китобнинг халқаро стандарт рақами (ISBN)

011 Серияли нашрнинг халқаро стандарт рақами (ISSN)

014 Мақола идентификатори

Мисол

015##\$aKU-CL-TR--6-96--GB

Кент университетининг ҳисоблаш техникаси Лабораторияси томонидан тайёрланган техник ҳисобот 6-96 дан иборат. ISRN Буюк

**Британиянинг тегишли агентлиги томонидан берилган (мамлакат ко-
ди – GB).**

016 Аудио/видео ёзувнинг халқаро стандарт рақами (ISRC)

Майдон ISRC ва, агар ёзувда биттадан ортиқ код мавжуд бўлса, ISRC кодлари ўртасидаги фарқларни аниқлайдиган аниқликлардан иборат. ISRC физик маҳсулотларни эмас, товуш ёзиш ва мусикий видео ёзишни иденти-фикация қилиш воситаси ҳисобланади.

Факультатив.

Агар ёзувда биттадан ортиқ ISRC иштирок этса, такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a ISRN рақами.

Тўғри тузилган ISRC, шу жумладан «ISRC» аббревиатурасиз дефис-лардан иборат.

ISRC мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Аниқликлар.

\$a майдон остида мавжуд бўлган ISRCга тааллуқли аниқликлардан иборат. Одатда аниқликлар ISRCнинг аниқ ифодага муносабатини аниқлайди.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$d Баҳо.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$z Хато ISRN.

Факультатив.

Такрорланади.

Ўзаро боғлиқ майдонлар:

010 Китобнинг халқаро стандарт рақами (ISBN)

011 Серияли нашрнинг халқаро стандарт рақами (ISSN)

013 Мусикий асарни нашр этишнинг халқаро стандарт рақами (ISMN)

071 Нашриёт рақами

Мисол

016##\$aFR-Z03-91-01231

Франция ISRC товуш ёзилиши.

017 Бошқа стандарт идентификатори

Майдон стандарт рақами ёки бошқа майдонга ёзилиши мумкин бўлмаган ҳужжатда келтирилган коддан, шунингдек, агар ёзувда биттадан ортиқ рақам/код мавжуд бўлса, рақамлар/кодлар ўртасидаги фарқларни аниқлайдиган аниқликлардан иборат. Майдон (\$9 майдон остидан ташқари) O'z DSt 1215 стандартининг «Стандарт рақам (ёки унинг муқобили) ва фойдаланиш шартлари соҳаси»га мос келади. \$9 майдон ости O'z DSt 1215 стандартининг «Изоҳлар соҳаси»га тааллуқли. Майдон, у рақам/коддан иборат бўлмаса ҳам, фойдаланиш шартлари ва/ёки баҳодан иборат бўлиши мумкин.

Факультатив.

Агар ёзувда турли типларга тегишли рақамлар иштирок этса, биринчи индикаторнинг турли қийматлари билан такрорланади; агар ёзувда бир типдаги биттадан ортиқ рақам иштирок этса, биринчи индикаторнинг бир хил қиймати билан такрорланади.

1-индикатор: Стандарт рақам ва коднинг типини аниқлайди:

- 7 - Рақам/код манбаи \$2 майдон остида кўрсатилган;
- 8 – Стандарт рақам типи кўрсатилмаган.

2-индикатор: Рақам/коднинг сканланган тасвири ўша рақам/коднинг визуал тасаввуридан фарқ қилиш ёки қилмаслигини аниқлайди:

- 0 – Ахборот мавжуд эмас;
- 1 – Фарқлар йўқ;
- 2 – Фарқлар бор.

Майдон остилар:

\$a Стандарт рақам.

Тўғри тузилган рақам ёки коддан иборат. Рақам ёки кодлар рақам/код типига мувофиқ тузилади.

Агар майдон ёзувда иштирок этса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Аниқликлар.

\$a майдон остида мавжуд бўлган рақам/кодга тааллуқли аниқликлардан иборат. Одатда аниқликлар нашр этувчи исми ёки муқова типини ўз ичига олади ёки рақам/коднинг бутунича тўпламга ёки алоҳида бирикка тааллуқлигини аниқлайди.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$d Баҳо.

Каталоглаштириладиган ҳужжат баҳоси тўғрисидаги маълумотлардан ва ундан фойдаланиш шартлари тўғрисидаги ихтиёрий маълумотлардан иборат.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$z Хато рақам ёки код.

Кейинчалик бекор қилинган ёки нотўғри босиб чиқарилган хато берилган рақам ёки код.

Факультатив.

Такрорланади.

\$2 Рақам ёки код манбаи.

Код типи.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$9 Адади

Факультатив.

Такрорланади.

Ўзаро боғлиқ майдонлар:

010 Китобнинг халқаро стандарт рақами (ISBN)

011 Серияли нашрнинг халқаро стандарт рақами (ISSN)

013 Мусиқий асарни нашр этишнинг халқаро стандарт рақами (ISMN)

014 Мақола идентификатори

016 Аудио/видео ёзиш халқаро стандарт рақами (ISRC)

020 Миллий библиография рақами

021 Давлат рўйхатига олиш рақами

022 Давлат ҳокимияти органининг нашр рақами

040 CODEN

071 Нашриёт рақами

073 Товарнинг халқаро рақами (EAN)

020 Миллий библиография рақами

Майдон тегишли соҳага мувофиқ миллий библиографияда ресурс рақами (китоб соҳаси, серияли нашрларнинг соҳамалари, ноталар соҳасида ва ш.к.) ва агентлик жойлашган жой мамлакатининг кодидан (Ўзбекистон, Россия, Белорусия ва ҳ.к.) иборат.

Маълумотлар мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Мамлакат коди.

Миллий библиография мамлакатини идентификация қилувчи икки символли код. Мамлакатлар номларининг кодлари В иловада келтирилган.

020 майдони ёзувда келтирилса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Рақам.

Миллий библиографияда ҳужжат рақамидан иборат.

020 майдони ёзувда келтирилса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$z Хато рақам.

Ҳужжатга хато берилган, миллий библиографиядаги ҳужжат рақамидан иборат.

Агар 020 майдони ёзувда келтирилса ва \$b майдон остидан иборат бўлмаса, у ҳолда \$z майдон остини келтириш - мажбурий.

Такрорланади.

\$9 Нашрнинг асосий сарлавҳаси

Каталоглаштириладиган ҳужжатга ҳавола келтириладиган тегишли Солноманинг асосий сарлавҳасидан иборат.

Факультатив.

Такрорланмайди.

021 Давлат рўйхатига олиш рақами

Майдон мамлакатнинг депозитга қўйиш хизмати ёки муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш хизмати томонидан ресурсга берилган рақамдан иборат.

Давлат рўйхатига олиш рақами мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Мамлакат коди

Миллий библиография мамлакатини идентификация қилувчи икки символли код. Мамлакатлар номларининг кодлари В иловада келтирилган.

020 майдони ёзувда келтирилса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Рақам.

Майдон мамлакатнинг депозитга қўйиш хизмати ёки муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш хизмати томонидан берилган рақам.

020 майдони ёзувда келтирилса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$z Хато рақам.

Такрорланади.

022 Давлат ҳокимияти органининг нашр рақами

Майдон давлат ҳокимияти органи томонидан берилган шахсий нашр

ёки унинг номидан нашр қилинган бирлик рақамини ўз ичига олади. Майдонда ҳар қандай даражадаги давлат ҳокимияти органи томонидан нашр қилинган фармонлар, қарорлар, тушунтиришлар ва ш.к.нинг рақамлари келтирилади. Агар ҳужжат давлатлараро ёки ҳукуматлараро даражадаги ташкилот номидан нашр қилинган ҳолда \$a майдон остидан фойдаланилмайди.

Факультатив.

Такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Мамлакат коди.

Ҳужжат босиб чиқарилган мамлакатни идентификация қилувчи икки символли код. Мамлакатлар номларининг кодлари В иловада келтирилган.

Давлатлараро ва ҳукуматлараро ташкилотлар нашрларидан ташқари, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Рақам.

Ҳокимият органи томонидан берилган рақам.

020 майдони ёзувда келтирилса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$z Хато рақам.

Ресурсга хато берилган рақам.

022 майдони ёзувда келтирилса, мажбурий.

Такрорланади.

Ўзаро боғлиқ майдонлар:

100 Умумий ишлов бериш маълумотлари, ҳукумат нашрининг коди (\$a, 20-символ позицияси)

Мисол

Республика Узбекистан. Президент (1991- ; И.А. Каримов).

О мерах по организации деятельности Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои – информационного ресурсного центра : Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП - 1729 от 20 марта 2012 г.

022##\$aUZ\$bПП – 1729

2001#\$aО мерах по организации деятельности Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои – информационного ресурсного центра\$eПостановление Президента Республики Узбекистан № ПП - 1729 от 20 марта 2012 г.

71001\$а Республика Узбекистан.\$b Президент (1991- ; И.А. Каримов).

029 Хужжат рақами (норматив ва техник хужжатлар. Босиб чиқарилмаган хужжатлар)

Майдон хужжатларнинг қуйидаги турларига: стандартлаштириш бўйича норматив хужжатлар, техник-иқтисодий нормативлар ва нормалар, патент хужжатлари, намунавий лойиҳалар ва чизмалар, саноат каталоглари, прејскурантлар, депозитга қўйилган илмий ишлар, ИТИ тўғрисида ҳисоботлар, босиб чиқарилмаган таржималар, диссертацияларга халқаро/миллий агентлик томонидан берилган рақамдан иборат. Майдон жойлашган жой мамлакати ёки халқаро агентлик коди, рақамни ўзлаштирган миллий ташкилот, агентлик номи ва зарурат бўлганда, ёзув сарлавҳасини шакллантирувчи бошқа маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

Стандартлар ва патент хужжатлари учун, қолган ҳолларда эса – маълумотлар мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланади (битта хужжатга бир нечта турли рақамлар берилган ҳолда).

1-индикатор: 029 майдони маълумотларидан ёзув сарлавҳаси шакллантирилиши ёки шакллантирилмаслигини кўрсатади:

- 0 – ёзув сарлавҳасини шакллантирмайди;
- 1 - ёзув сарлавҳасини шакллантиради.

2-индикатор: хужжатлар белгилари миқдорининг индикатори:

- 0 – битта хужжат;
- 1 – хужжатларнинг иккита ёки ундан ортиқ мустақил белгилари;
- 2 – хужжатлар белгилари диапазони – диапазоннинг биринчи ва охириги рақамлари;
- 3 - хужжатлар белгилари диапазони - диапазоннинг биринчи рақами.

Майдон остилар:

\$а Мамлакат

\$b майдон остида мавжуд бўлган рақамни ўзлаштирган мамлакат ёки халқаро ташкилот номи ёки аббревиатураси (патент хужжатлари – сақловчи хужжатни берган мамлакат/халқаро ташкилот учун).

Патент хужжатлари учун мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Рақам

Хужжат рақамининг рақамли ёки ҳарф-рақамли белгисидан иборат. Рақамлардан кейин келадиган маълумотлар (масалан, стандартлаштириш объектининг экспорт маҳсулотига тегишлилигини акс эттирувчи шартли белгиси, хужжат нашр қилинган тилнинг ҳарфли белгиси, стандартни қайта кўриб чиқиш йили, қайта нашр қилишнинг ҳарфли белгиси) ҳам ушбу майдон остига тегишли тиниш белгилари билан бирга киритилади.

Агар майдон ёзувда келтирилса, мажбурий.

Иккинчи индикатор «1» ёки «2»га тенг бўлса, такрорланади.

\$c Хужжат рақамининг типи

Хужжат индекси, хужжат турининг номи (шу жумладан, сақловчи) ва рақам типини аниқловчи бошқа белгилардан иборат.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$d Халқаро классификациялаш индекси

Ихтироларнинг (саноат намуналари, товарлар ва хизматлар) халқаро/миллий классификацияси индексидан иборат.

Патент хужжатлари библиографик ёзувининг сарлавҳасини шакллантириш учун хизмат қилади. Майдон остида классификация кўрсатилган ҳолда тўлиқ индекс келтирилади.

Патент хужжатлари учун мажбурий.

Такрорланади.

\$f Ташкилот

Ёзув сарлавҳасини шакллантириш учун зарур бўлган рақамни ўзлаштирган ташкилот номидан иборат.

Факультатив.

Такрорланмайди.

Мисоллар

1 OCT 1 13113-83; OCT 1 13114-83

02911\$cOCT 1\$b13113-83\$b13114-83

2 ГОСТ 10749.1-80 и др.

02913\$cГОСТ\$b10749.1-80

3 ТУ 2-041-338-84 Е

02910\$cТУ\$b2-041-338-84 Е

4 ISO 7755/2-84 (E/F/R)

02910\$cISO\$b7755/2-84 (E/F/R)

035 Бошқа тизим рақамлари

Майдон бошқа тизимдан олинган ёзув идентификаторидан иборат.

Факультатив.

Такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Ёзув идентификатори.

Бошқа тизимдан олинган ёзув идентификатори. Улар олдида думалоқ кавсларда ушбу идентификаторни ўз тизимида ўзлаштириб олган ташкилот коди келтирилади.

Агар 035 майдони ёзувда келтирилса, мажбурий.
Такрорланмайди.

\$z Ёзувнинг бекор қилинган ёки хато идентификатори.
Факультатив.
Такрорланади.

Ўзаро боғлиқ майдонлар:

001 Ёзув идентификатори

801 Ёзув манбаи, \$b ва \$9 майдон остилар

036 Мусикий инципит

Майдон мусикий инципитни тавсифловчи, қисман кодланган шаклда тақдим этилган маълумотлардан иборат. Майдондан нотали матнни ўз ичига олувчи қўл ёзмаларни идентификация қилиш учун фойдаланилади, бироқ босма нотали ҳужжатлар ва бошқа мусикий материаллар (масалан, товуш ёзиш ва ҳ.к.) учун ҳам қўлланилиши мумкин.

Факультатив.

Такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Асар рақами

Агар бир қатор асарлар (масалан, олтига соната) таҳлилий даражадаги ёзувларни яратмасдан битта ёзувда тавсифланса, иккита рақамдан иборат код инципит тааллуқли бўлган асарни аниқлайди. Агар ёзувда фақат битта асар тавсифланса, «01» қийматдан фойдаланилади.

Мажбурий.

Такрорланмайди.

Мисол – Олтига сонатадан иборат тўпламдаги иккинчи сонатани ифода этувчи инципит: 036 \$a##02.

\$b Қисм рақами

Иккита рақамдан иборат код инципит тааллуқли бўлган асар қисмини аниқлайди. Агар асар фақат битта қисмдан иборат бўлса, «01» қийматдан фойдаланилади.

Мажбурий.

Такрорланмайди.

Мисол – Симфониянинг учинчи қисмини ифода этувчи инципит: 036 \$b03.

\$c Инципит раками

Иккита рақамдан иборат коддан асарнинг битта қисмига тегишли турли инципитларни фарқлаш учун фойдаланилади. Агар асар қисмига фақат битта инципит тегишли бўлса, «01» қийматдан фойдаланилади.

Мажбурий.

Такрорланмайди.

Масалан - Арияни тавсифлашда бошлангич чолғу қисми учун битта инципит ва вокал қисми учун битта инципит талаб қилинади; иккита инципит мос равишда тақдим этилади: 036 \$c01 ва 036 \$c02.

\$d Товуш/асбоб

Коди 036 \$p да кўрсатилган товуш ёки асбоб.

Агар майдонда \$p иштирок этса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$e Роль

\$p майдон остида кўрсатилган инципитни бажарувчи персонаж исми.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$f Қисм номи

Асар қисмининг номи манбада келтирилган шаклда.

Факультатив.

Такрорланади.

\$g Тоналлик ёки оҳанг

Агар қўллаш мумкин бўлса, асар қисмининг тоналлиги ёки оҳанги. Қуйидаги қийматлардан фойдаланилади: А-Г бош ҳарфлар – мажор тоналликлар; а-г кичик ҳарфлар – минор тоналликлар; «х» – диезлар; «b» – бемоллар; 1-12 рақамлар – григориан оҳанглари.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$m Калит

Қуйидаги структурага эга уч символли код: калит турини билдирувчи «F», «C» ёки «G» бош ҳарфлари; «-» белгиси - ажратувчи; пасти ки чизикдан бошлаб, нотали стан да калит ҳолатини билдирувчи 1-5 рақам. Ажратувчи сифатида мензурал нотацияни тавсифлашда «+» символдан фойдаланилади.

\$p майдон ости иштирок этса, мажбурий; акс ҳолда мавжуд эмас.

Такрорланмайди.

Мисол – Бас калити: 036 \$mF-4.

\$n Альтерациянинг калит белгиси

Диезни белгилаш учун «х» ва бемолни белгилаш учун «b» кўрсатилади, бундан кейин мос равишда диез ёки бемоль калит белгиси тегишли бўлган ноталарни белгилаш учун F,C,G,D,A,E,B ёки B,E,A,D,G,C,F бош ҳарфлари кўрсатилади.

Факультатив.

Такрорланмайди.

Мисол – Учта диез билан А-мажорда инципит: 036 \$nxFCG.

\$o Муסיкий ўлчам

Нотали станда кўрсатилган ўлчам ёки мензуранинг белгиси (с, с/, с., о ва ҳ.) симболи ва/ёки (3, 2, с3 ва ҳ.) рақам ёки каср кўринишида (4/4, 12/8 ва ҳ.) белгиланади.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$p Муסיкий нотация

Танланган фрагментнинг биринчи ноталарини ёзиш учун Plaine & Easie ёки DARMS нотали хатнинг белгиларидан фойдаланилади.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$q Шарҳлар (ихтиёрий матн)

Ихтиёрий шаклдаги изох.

Факультатив.

Такрорланади.

\$r Кодланган шаклдаги изох

Бир символли код шарҳлар типини белгилайди. «?» симболи инципитдаги тузатилмаган хатони; «+» – тўғриланган инципитдаги хатони билдиради; «t» – инципит транскрипцияда келтирилган (масалан, мензурал нотациядан).

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$t Бадий инципит

Манбада келтирилган шаклдаги бадий матн (агар иштирок этса). Агар манбада биттадан ортиқ матн келтирилса, уларнинг ҳар бири 036 \$t майдон остининг алоҳида киришига ёзилади.

Факультатив.

Такрорланади.

\$u Ресурснинг универсал идентификатори

Ресурснинг универсал идентификатори (URI), масалан, URL ёки URN, улар инципитдан электрон кўринишда фойдаланишни таъминлайди, масалан, аудио файл (Midi, MP3 ёки .wav файллар ва ш.к.) кўринишида,

график файл (jpeg, gif, tiff т б.) кўринишида ёки enigma, niff форматидаги файллар ва бошқ. \$u майдон ости такрорланиши мумкин, агар рақамли объектнинг битта жойлашган жойи бир нечта URI эга бўлса. Агар рақамли объектнинг бир нечта жойлашган жойи мавжуд бўлган ҳолатда, 036 майдони такрорланади.

Факультатив.

Такрорланади.

\$z Матн тили

Кодланган шаклдаги инципит тилини белгилаш. Инципит тили 101 Хужжат тили майдонида кўрсатилган тилдан фарқланса, фойдаланилади. Агар майдон ости такрорланса, кодлар тартиби инципитда тақдим этилган ҳар бир тилда матннинг ҳажми, шунингдек тилнинг аҳамияти билан белгиланади. Агар бу мумкин бўлмаса, тиллар кодлари алифбо тартибида кўрсатилади. Тиллар кодларининг катта миқдорини келтириш зарур бўлса, «mul» кодидан фойдаланилади. Тиллар кодларининг рўйхати C иловада келтирилган.

Факультатив.

Такрорланади.

\$2 Муסיкий нотация тизимининг коди

Муסיкий нотация учун фойдаланиладиган тизимнинг кодланган белгиланиши. Икки символли код \$p майдон остидаги маълумотларни ёзиш учун фойдаланилган тизимни белгилайди.

Агар \$p майдон ости майдонда иштирок этса, мажбурий.

Такрорланмайди.

Кодларнинг қийматларидан фойдаланилади: pe = plaine & easie code тизими ва/ёки da = DARMS тизими.

Мисол

Трио К.А. Кампиони для двух скрипок и баса Ре-мажор в трех частях

036##\$a01\$b01\$c01\$d1st violin\$fAndante\$mG-2\$nxFC\$o4/4
\$p4-8'A/{6'DA}gG{6F3ED}{6EB}gA{6G3FE}8F4D8C/{6DA}\$2pe
036##\$a01\$b02\$c01\$fAllegro\$gD\$o4/4
036##\$a01\$b03\$c01\$fAllegretto\$gD\$o3/4

039 Талабнома рақами (патент хужжатлари)

Майдон патент хужжатларини каталоглаштиришда қўлланилади. Фойдаланиш нуқталари шаклида талабноманинг рўйхатга олиш рақами (ёки конвенцион устуворлик тўғрисидаги маълумотлар) ва ўзига хос маълумотлар соҳасида келтириладиган бошқа маълумотлардан иборат.

Патент хужжатлар учун мажбурий.

Такрорланади.

1-индикатор: Майдонда мавжуд бўлган маълумотлар турини белги-

лайди:

- 0 - Майдон талабнома тўғрисидаги маълумотлардан иборат;
- 1 – Майдон конвенцион устуворлик тўғрисидаги маълумотлардан иборат.

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Мамлакат

Талабномани берган мамлакат (халқаро агентлик)/\$b майдон остида келтириладиган рақамни ўзлаштирган устуворлик мамлакатининг номи ёки аббревиатураси.

Мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Талабнома рақами

Майдон остида биринчи индикатор қийматига боғлиқ ҳолда талабноманинг рўйхатга олиш рақами ёки конвенцион талабноманинг рақами келтирилади.

Мажбурий.

Такрорланмайди.

\$c Талабномани бериш санаси

Майдон остида стандарт шаклдаги талабномани рўйхатга олиш (бериш) санаси келтирилади.

Мажбурий.

Такрорланмайди.

040 CODEN

Майдон серияли нашрлар сарлавҳаларига Халқаро хизмат CODEN томонидан бериладиган ноёб 6-символли код (CODEN)дан иборат. Биринчи бешта символ ҳарфлар ҳисобланади ва серияли нашрнинг сарлавҳасига асосланади, охиригиси – алифбо-рақамли символ – назорат белгиси (масалан, «Journal of the American Chemical Society» учун JACSAT, бу ерда Т – назорат белгиси).

Факультатив.

Такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a CODEN

Охириги симболи ҳарф ёки рақам ҳисобланган 6-символли код.

Такрорланмайди.

\$z Хато код

Хато берилган код CODEN

Такрорланади.

Ўзаро боғлиқ майдонлар:

011 Серияли нашрнинг халқаро стандарт рақами (ISSN)

Мисол

040##\$aJPHYA7

«Journal of Physiology» учун CODEN (Лондон).

071 Нашриёт рақами

Майдон халқаро стандарт билан тартибга солинмаган нашриёт рақамидан иборат. Ушбу рақамлардан, одатда, товуш ёзиш, нотали нашрлар, видео ёзувлар, электрон ресурслар учун фойдаланилади.

Факультатив.

Такрорланади.

1-индикатор: Рақам типи

Майдонда мавжуд бўлган нашриёт рақамининг типини аниқлайди:

- 0 – Бирлик рақами (товуш ёзишнинг фирмага оид ёки ишлаб чиқариш рақами) (Issue number);

- 1 - Матрица рақами;

- 2 - Доска рақами;

- 3 – Нашриёт рақамининг бошқа типи (нотали нашрлар);

- 4 – Видеоёзув рақами;

- 5 - Нашриёт рақамининг бошқа типи (нотали нашрлардан ташқари);

- 6 - Электрон ресурсининг рақами (масалан, CD-ROM).

2-индикатор: Изоҳ индикатори

Изоҳни генерация қилиш учун 071 майдони маълумотларидан фойдаланиш ёки фойдаланмасликни аниқлайди:

- 0 – Изоҳни яратмаслик;

- 1 – Изоҳни яратиш.

Майдон остилар:

\$a Нашриёт рақами.

Нашриёт/ишлаб чиқарувчи томонидан берилган рақам.

071 майдони ёзувда келтирилса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Манба.

Рақамни берган нашриёт/ишлаб чиқарувчи.

Агар маълумотлардан фойдаланиш мумкин бўлса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$c Аниқлик.

Агар ёзув биттадан кўп нашриёт рақамидан иборат бўлса, рақамларни фарқлаш учун фойдаланилади.

Факультатив.
Такрорланмайди.

\$d Баҳо.
Факультатив.
Такрорланмайди.

\$z Хато нашриёт рақами.
Факультатив.
Такрорланади.

Бирлик рақами ёки этикеткадаги рақам – бу нашр этувчи томонидан алоҳида товуш ёзиш/видеоёзув, товуш ёзишнинг алоҳида томони, товуш ёзишдаги алоҳида асарга ёки комплектда нашр қилинган товуш ёзиш/видеоёзувлар гуруҳига бериладиган алоҳида ҳужжат ёки серияни алоҳида идентификация қилиш учун фойдаланиладиган рақам. Бирлик рақами одатда этикеткада ва кўпинча – товуш ёзиш/видеоёзув ўровида келтирилади. Товуш ёзиш/видеоёзувлар комплекти учун: нашр рақами ҳар бир дискда, комплектнинг қўшимча рақами бутунча – ўровда бўлиши мумкин.

Матрица рақами шаклни идентификация қилиш учун фойдаланилади, у билан алоҳида товуш ёзиш прессланган; одатда мумли дискка ёзилади.

Доска рақами - бу муайян мусиқий нотали асарга берилган (нашр этувчи томонидан) рақамли, ҳарф-рақамли белги. У одатда нотали нашр ҳар бир саҳифасининг пастки қисмида, баъзида эса титул varaғида ҳам жойлаштирилади.

Бошқа нашриёт рақамлари – бу нотали нашрнинг ҳар бир саҳифасида босилмаган, доска рақамига ўхшаш рақамлар. Улар нотали матннинг титул varaғи, муқоваси ва/ёки биринчи саҳифасида келтирилиши мумкин.

Форматланмаган нашриёт рақамлари фақат 301 майдонида ёзилиши мумкин.

Агар рақамдан 071 майдонига киритилган шаклда изоҳни генерация қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлса, у ҳолда изоҳ индикатори 1 га тенг қилиб ўрнатилади. Акс ҳолда изоҳ индикатори 0 га тенг қилиб ўрнатилади ва изоҳ матни 301 майдонига киритилади.

Ўзаро боғлиқ майдонлар:

- 010 Халқаро стандарт китоб рақами (ISBN)
- 011 Серияли нашрнинг халқаро стандарт рақами (ISSN)
- 013 Мусиқий асарни нашр этишнинг халқаро стандарт рақами (ISMN)
- 015 Техник ҳисоботнинг халқаро стандарт рақами (ISRN)
- 016 Аудио/видеоёзувнинг халқаро стандарт рақами (ISRC)

017 Бошқа стандарт идентификатори

301 Идентификацион рақамларга тегишли изохлар

Мисоллар

1 Нотали наир учун доска рақами. Изоҳ: Н.д. 1006 кўринишида генерация қилинади.

07121\$a1006

2 Нотали наир учун доска рақами. Изоҳ: Pl. no.: A 880 V кўринишида чиқарилади.

07121\$aA 880 V\$bArs Viva Verlag

3 Tamla Motown томонидан эълон қилинган товуш ёзиш учун наир белгиланиши. Тегишли изох: Tamla Motown: STMA 8007 кўринишида генерация қилинган бўлиши мумкин.

07101\$aSTMA 8007\$bTamla Motown

4 Электрон ресурснинг наириёт рақами.

07160\$a0698\$bIDDK

5 Видеоёзувнинг наириёт рақами.

07140\$a1658\$bWarner Brothers

072 Товарнинг универсал коди (UPC)

Майдон Товарнинг универсал кодидан иборат (UPC). Майдон (\$9 майдон остидан ташқари) О‘з DSt 1215 стандартнинг «Стандарт рақам (ёки унинг муқобили) ва фойдаланиш шартлари соҳаси»га мос келади. \$9 майдон ости О‘з DSt 1215 стандартнинг «Изоҳлар соҳаси»га тааллуқли.

Факультатив.

Такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: Фарқ индикатори

Рақам/коднинг сканланган кўриниши ўша рақам/коднинг визуал ўқиладиган қийматидан фарқланиши ёки фарқланмаслигини кўрсатади:

- 0 – Ахборот мавжуд эмас;
- 1 – Фарқлар йўқ;
- 2 – Фарқлар бор.

Майдон остилар:

\$a UPC стандарт рақами.

UPC аббревиатурасиз тўғри тузилган стандарт рақам/коддан иборат.

UPC мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Аниқликлар.

\$a майдон остига ёзилган рақамга тегишли аниқликлардан иборат.

Одатда, аниқликлар нашр этувчининг исми ёки нашр муқоваси тўғрисида маълумотларни ўз ичига олади ёки \$a майдон остидаги рақам/код алоҳида том/нашр ёки томлар комплектига бутунича тегишли ёки тегишли эмаслигини аниқлайди.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$c Стандарт рақами/коддан кейин келадиган қўшимча кодлар.

Кодланган кўринишда тақдим этилган ҳар қандай суффикс ва \$a майдон остида ёзилган, аммо унинг ажралмас қисми ҳисобланмаган қўшимча рақамдан иборат.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$d Фойдаланиш шартлари ёки Баҳо.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$z Хато рақам/код.

Факультатив.

Такрорланади.

\$9 Адади

Каталоглаштириладиган ҳужжат адади тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Майдон остидан, агар адади тўғрисидаги ахборот 0xx блоки бошқа майдонларининг ҳеч бирида келтирилмаган ҳолда фойдаланилади.

Факультатив.

Такрорланади.

Ўзаро боғлиқ майдонлар:

010 Халқаро стандарт китоб рақами (ISBN)

011 Серияли нашрнинг халқаро стандарт рақами (ISSN)

013 Мусикий асарни нашр этишнинг халқаро стандарт рақами (ISMN)

073 Товарнинг халқаро рақами (EAN)

Майдон Товарнинг халқаро рақамидан иборат (EAN). Майдон (\$9 майдон остидан ташқари) O'z DSt 1215 стандартнинг «Стандарт рақам (ёки унинг муқобили) ва фойдаланиш шартлари соҳаси»га мос келади. \$9 майдон ости O'z DSt 1215 стандартнинг «Изоҳлар соҳаси»га тааллуқли. Майдон, у ҳатто EAN рақамидан иборат бўлмаган ҳолатда ҳам, фойдаланиш шартлари ва/ёки баҳодан иборат бўлиши мумкин.

Факультатив.

Такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: Фарқ индикатори

Рақам/коднинг сканланган кўриниши ўша рақам/коднинг визуал ўқиладиган қийматидан фарқланиши ёки фарқланмаслигини кўрсатади:

- 0 – Ахборот мавжуд эмас;
- 1 – Фарқлар йўқ;
- 2 – Фарқлар бор.

Майдон остилар:

\$a EAN стандарт рақами.

EAN аббревиатурасиз тўғри тузилган стандарт рақам/коддан иборат.

EAN мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланмайди.

\$b Аниқликлар.

\$a майдон остига ёзилган рақамга тегишли аниқликлардан иборат. Одатда, аниқликлар нашр этувчи исми ёки нашр муқоваси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади ёки \$a майдон остидаги рақам/код алоҳида том/нашр ёки томлар комплектига бутунича тегишли ёки тегишли эмаслигини аниқлайди.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$c Стандарт рақами/коддан кейин келадиган қўшимча кодлар.

Кодланган кўринишда тақдим этилган ҳар қандай суффикс ва \$a майдон остида ёзилган, аммо унинг ажралмас қисми ҳисобланмаган қўшимча рақамдан иборат.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$d Фойдаланиш шартлари ёки Баҳо.

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$z Хато рақам/код.

Факультатив.

Такрорланади.

\$9 Адади

Каталоглаштириладиган ҳужжат адади тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Майдон остидан, агар адади тўғрисидаги ахборот 0xx блоки бошқа майдонларининг ҳеч бирида келтирилмаган ҳолда фойдаланилади.

Факультатив.

Такрорланади.

Ўзаро боғлиқ майдонлар:

010 Халқаро стандарт китоб рақами (ISBN)

011 Серияли нашрнинг халқаро стандарт рақами (ISSN)
 013 Мусиқий асарни нашр этишнинг халқаро стандарт рақами (ISMN)

Мисол

Аудиокнига на CD.

073#0\$a9785884152168

2001#\$aВторое нашествие марсиан\$bЭлектронный ресурс\$fАркадий и Борис Стругацкие\$gчитает: Артем Карапетян\$gzвукорежиссер: Владимир Орлов

6.2 1xx майдонлар блоки – кодланган ахборот блоки

Блок қайд қилинган узунликдаги маълумотларнинг кодланган элементларидан иборат.

Ушбу майдонлардаги маълумотлар майдон ости идентификаторидан кейин келадиган биринчи символни нолинчи деб ҳисоблаб, символнинг нисбий позицияси билан аниқланади.

Агар ушбу майдон мажбурий ҳисобланмаса ва библиографик агентлик тегишли кодланган ахборотни тақдим этмаса, майдон келтирилмайди.

Агар мажбурий ҳисобланмаган маълумотлардан фойдаланилмаса, уларнинг майдондаги позициялари «|» символлар-тўлдирувчилардан иборат.

Агар ушбу элемент учун ажратилган фақат эҳтимолий позициялар қисмидан фойдаланилса, у ҳолда фойдаланилмаган позициялар «#» символидан иборат.

Блок қуйидаги майдонлардан иборат:

- 100 Умумий ишлов бериш маълумотлари
- 101 Ҳужжат тили
- 102 Босиб чиқариш ёки ишлаб чиқариш мамлакати
- 105 Кодланган маълумотлар майдони: матнли материаллар, моно-график
- 106 Кодланган маълумотлар майдони: ҳужжат шакли
- 110 Кодланган маълумотлар майдони: давом этувчи ресурслар
- 115 Кодланган маълумотлар майдони: визуал-проекцион материаллар, видеоёзувлар ва кинофильмлар
- 116 Кодланган маълумотлар майдони: тасвирий материаллар
- 117 Кодланган маълумотлар майдони: уч ўлчамли сунъий ва табиий объектлар
- 120 Кодланган маълумотлар майдони: картографик материаллар - умумий характеристикалар
- 121 Кодланган маълумотлар майдони: картографик материаллар - физик характеристикалар

122 Кодланган маълумотлар майдони: ҳужжат мазмуни билан қамраб олинadиган вақт даври

123 Кодланган маълумотлар майдони: картографик материаллар - масштаб ва координаталар

124 Кодланган маълумотлар майдони: картографик материаллар – материалнинг ўзига хос характеристикалари

125 Кодланган маълумотлар майдони: товуш ёзиш ва нотали наشرлар

126 Кодланган маълумотлар майдони: товуш ёзиш - физик характеристикалар

127 Кодланган маълумотлар майдони: товуш ёзиш ва нотали наشرлар (музикаий ижро) давомийлиги

128 Кодланган маълумотлар майдони: музикаий шакл, тоналлик ва оҳанг

135 Кодланган маълумотлар майдони: электрон ресурслар

139 Кодланган маълумотлар майдони: электрон ресурслар

140 Кодланган маълумотлар майдони: эски босма наشرлар - умумий ахборот

100 Умумий ишлов бериш маълумотлари

Майдон ҳар қандай ташувчиларда тақдим этилган ҳужжатлар тўғрисидаги ёзувларга қўлланиладиган қайд этилган узунликдаги кодланган маълумотлардан иборат.

Мажбурий.

Такрорланмайди.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Умумий ишлов бериш маълумотлари

\$a майдон остига ёзилган барча маълумотлар символ позицияси билан идентификация қилинади.

Символ позициялари 0 дан 35 гача рақамланади. Символларнинг барча позициялари уларга тегишли маълумотларнинг келтирилиши ёки келтирилмаслигидан қатъи назар майдонда албатта акс эттирилади.

Мажбурий.

Такрорланмайди.

\$a майдон ости маълумотларининг элементлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Маълумотлар элементининг Номи	Кўрсатилган пози- цияларни тўлдириш	Символлар сони	Символлар позициялари
(1) Ёзувни файлга киритиш санаси	мажбурий	8	0-7
(2) Сана типии	мажбурий	1	8
(3) 1-сана	мажбурий	4	9-12
(4) 2-сана	мажбурий	4	13-16
(5) Мақсадли вазифа коди	факультатив тарзда	3	17-19
(6) Ҳукумат нашрининг коди	шартли мажбурий	1	20
(7) Ёзувни модификация қилиш Коди	шартли мажбурий	1	21
(8) Каталоглаштириш тили	мажбурий	3	22-24
(9) Транслитерация коди	шартли мажбурий	1	25
(10) Символлар тўплами	мажбурий	4	26-29
(11) Қўшимча символлар тўплами	шартли мажбурий	4	30-33
(12) Сарлавҳа графикаси	шартли мажбурий	2	34-35
Ихох - «шартли мажбурий» муайян шароитларда позицияларнинг мажбурий тўлдирилишини билдиради.			

\$a / (0-7 символлар позициялари)

Ёзувни файлга киритиш санаси.

Тўлдирилиши мажбурий.

Сана учун стандарт шаклдаги 8 та рақамли символ: ГГГГММДД, бу ерда ГГГГ йилга, ММ - ойга, зарурат бўлганда бошланғич ноль билан, ДД – ой кунига, у ҳам, агар зарур бўлса, бошланғич ноль билан мос келади.

Маълумотлар ёзувни файлга киритиш санасидан иборат. Киритиш ва таҳрир қилиш хатоларини тузатишда сана ўзгармаслиги керак. Ахборот алмашувида ёзувни тузишнинг бошланғич санаси сақланади.

\$a / (8-16 символлар позициялари)

Сана типи, 1-сана ва 2-сана

Сана типи (8 символининг позицияси, тўлдирилиши мажбурий) – каталоглаштириладиган ҳужжатни нашр этиш ва яратишнинг ажратилган тоифаларига мувофиқ сана типини белгиловчи бир символли код. Сана тип 1 ва 2-саналарни тавсифлайди.

1-сана (9-12-символлар позициялари) – тўлдирилиши мажбурий.

2-сана (13-16-символлар позициялари) – сана типи билан аниқланган коидаларга мувофиқ тўлдирилиши мажбурий.

Ўзаро боғлиқ майдон: эълон қилиш санаси ҳам 210 майдонига киритилади. Фарқ шундан иборатки, 210 майдонида эълон қилиш санаси тавсифлаш объектидаги шаклда келтирилади, 9-16-позицияларга қидирувчи элементлар сифатида кўриб чиқилиши мумкин бўлган нормаланган саналар киритилади. Эълон қилиш санасидан фарқ қиладиган ҳужжат мазмуни

билан қамраб олинадиган вақт санаси ёки даври 122 Хужжат мазмуни билан қамраб олинадиган вақт даври майдонида киритилиши мумкин.

Агар эълон қилиш санаси аниқ маълум бўлмаса ёки сана аниқланмаган бўлса, у ҳолда ҳар қандай номаълум рақам ўрнига бўш жой симболи: «#» қўйилади.

Сана/саналар типини кўрсатиш учун қуйидаги кодлардан фойдаланилади:

- а = жорий давом этувчи ресурс, бу ерда 1-сана эълон қилиш бошланган йилдан иборат, жорий давом этувчи ресурс тўғрисида ёзувдаги 2-сана ҳар доим 9999 дан иборат;

- b = эълон қилиниши тугатилган давом этувчи ресурс, бу ерда 1-сана давом этувчи ресурсни эълон қилиш бошланган йилдан иборат, 2-сана нашр қилишни тугатиш йилидан иборат;

- c = номаълум мақомли давом этувчи ресурс, бу ерда 1-сана давом этувчи ресурсни эълон қилиш бошланган йилдан иборат, 2-сана тўртта бўш жой симболидан иборат: #####;

- d = битта томда нашр қилинган ёки битта тақвим йил давомида нашр қилинган монография, бу ерда 1-сана нашр қилиш йилидан иборат, 2-сана тўртта бўш жой симболидан иборат: #####.

- e = репродукция қилинган ресурс (репринт, қайта босиб чиқариш, факсимиль нусха ва ҳ.к.), бу ерда 1-сана репродукцияни нашр қилиш йилидан иборат, 2-сана асл нусхани нашр этиш йилидан иборат.

- f = эълон қилиш санаси аниқ маълум бўлмаган монография, бу ерда 1-сана тахмин қилинадиган нашр этиш саналарининг энг дастлабки санасидан иборат, 2-сана эҳтимолий нашр этиш саналарининг энг охирги санасидан иборат;

- g = эълон қилиниши бир йилдан кўп давом этувчи монография, 1-сана нашр этиш бошланган йилдан иборат, 2-сана, агар нашр этиш ҳалигача давом этаётган бўлса, нашр этишнинг охирги санаси ва 9999 дан иборат;

- h = эълон қилишнинг ҳақиқий санаси ва муаллифлик ҳукуқи/имтиёз бериш санасига эга монография, бу ерда 1-сана эълон қилиш санасидан иборат, 2-сана муаллифлик ҳукуқи/имтиёз бериш санасидан иборат.

- i = ишлаб чиқариш санаси ҳамда амалга ошириш санасига эга монография, бу ерда 1-сана амалга ошириш санасидан иборат, 2-сана ишлаб чиқариш санасидан иборат.

- j = эълон қилиш/яратишнинг аниқ санасига эга ҳужжат, бу ерда 1-сана эълон қилиш/яратиш йилидан иборат, 2-сана ММДД форматидаги сана (ой ва кун)дан иборат, бу ерда ММ – ой белгиланши, ДД – кун белгиланши, зарурат бўлганда қўшимча ноллар билан;

- k = нашр этиш ва тайёрлаш саналари фарқланадиган монография, бу ерда 1-сана нашр этиш йилидан иборат, 2-сана тайёрлаш (босиб чиқариш) санасидан иборат;

- l = коллекциянинг охирги саналари, бу ерда 1-сана коллекциядаги материални яратишнинг энг дастлабки йилидан иборат, 2-сана коллекция-

даги материални яратишнинг энг охирги йилидан иборат, агар коллекциядаги барча материаллар битта тақвим йили давомида яратилган бўлса, бу йил 1-сана ва 2-сана сифатида кўрсатилади;

- u = эълон қилиш/яратиш санаси(лари) номаълум, бу ерда 1-сана тўртта бўш жой символидан иборат: ####, 2-сана тўртта бўш жой символидан иборат: ####.

Норматив, техник, эълон қилинмаган ҳужжатлар учун [8, 9-16] позицияларни тўлдириш бўйича маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Ҳужжат тури	8-поз.	9-12-поз. 13-16-поз.
(1) Стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар	d	нашр этиш йили ####
(2) Техник-иқтисодий нормативлар ва нормалар. Прейскурантлар.	d	нашр этиш йили ####
(3) Патент ҳужжатлари	j	аниқ эълон қилиш/яратиш санаси
(4) Намунавий лойиҳалар ва чизмалар	d	нашр этиш йили ####
(5) Саноат каталоглари	d	нашр этиш йили ####
(6) Депозитга қўйилган илмий ишлар	j	аниқ депозитга қўйиш санаси
(7) Илмий-тадқиқот ишлари тўғрисида ҳисоботлар	d	нашр этиш йили ####
(8) Эълон қилинмаган таржималар	j	аниқ таржима қилиш санаси
(9) Диссертациялар	j	аниқ ҳимоя қилиш санаси
(10) Диссертациянинг авторефератлари	d	нашр этиш йили ####

\$a / (17-19 символлар позициялари) Мақсадли вазифа коди

Символларнинг учта позицияси мақсадли вазифа кодлари учун ажратилади. Мақсадли вазифа коди – фойдаланувчиларнинг қайси ёшдаги тоифаси учун ушбу ҳужжат мўлжалланганлигини кўрсатувчи бир символли код. 17-19 позициялардаги кодлар чапдан ўнгга кетма-кет киритилади; фойдаланилмайдиган позициялар бўш жой символлари билан тўлдирилади: «#».

Агар мақсадли вазифа кўрсатилмаса, 17-19 позициялар символлар тўлдирувчилар: «|» билан тўлдирилади.

Қуйидаги кодлар белгиланган:

- a = умумий характердаги ёшлар учун (бу кодлардан фойдаланилмаса ёки фойдаланиш мумкин бўлмаса, b, c, d ёки e кодлар ўрнига фойдаланилади);

- b = мактаб ёшигача бўлган болалар учун, 0-5 ёш;
- c = кичик ёшдаги болалар учун, 5-10 ёш;
- d = ўрта ёшдаги болалар учун, 9-14 ёш;
- e = ўспиринлар учун, 14-20 ёш;
- k = катталар учун, илмий;
- m = умумий характердаги катталар учун;
- u = номаълум.

\$a / (20-символ позицияси) Давлат ҳокимияти органининг эълон қилиш коди

Давлат ҳокимияти органининг даражасини белгиловчи бир символли код, бу орган номидан каталоглаштириладиган ҳужжат нашр қилинган. Ёзувда 710 майдони мавжуд бўлган ҳолатда аниқланади. Агар 710 майдонига киритилган ташкилот давлат ҳокимияти органи бўлиб ҳисобланмаса ёки муқобил ёки иккиламчи интеллектуал жавобгар бўлса (711 ва 712 майдонлар) - «у» кодидан фойдаланилади.

Қуйидаги кодлар белгиланган:

- a = федерал/миллий

Суверен давлатлар ва ўзини ўзи бошқариш хусусиятларига эга ҳудудлар, масалан, ўзининг шахсий қонун ҳужжатларига эга (масалан, Федерал йиғилиш, Халқ йиғилиши, парламент, конгресс, Вазирликлар, Қўмиталар, Бош бошқармалар);

- b = республика, штат/провинция

Маъмурий бирлик ички ҳукуматга оид ўзини ўзи бошқариш ва қонунчилик назоратининг баъзи хусусиятларига эга, лекин ташқи сиёсат (масалан, Канада провинциялари ва Германия ерлари) учун жавобгар бўлмайдиган федерал ёки миллий даражадан бир даража паст. Бунга суверен давлат таркибига кирувчи республикадаги (штат, провинция) юқори давлат ҳокимияти органларининг нашрлари киради;

- c = ўлка, вилоят, округ, графлик/департамент

Одатда шахсий қонун ҳужжатларига эга бўлмаган ўрта даражадаги маъмурий бирлик (масалан, Франциядаги департаментлар, Буюк Британиядаги графликлар, вилоят ва ўлкадаги маъмуриятлар ва ҳукуматлар);

- d = маҳаллий (муниципал, шаҳар ва ҳ.)

Энг кичик даражадаги юрисдикция (масалан, шаҳар, посёлка ёки қишлоқ) маъмурий бирлиги;

- e = ҳудудлараро (миллий даражадан паст турли департаментлар ва ҳукуматларни ўз ичига олувчи)

Биттадан ортиқ маъмурий бирликни бирлаштирувчи ёки қамраб олувчи миллий даражадан паст ҳар қандай маъмурий бирлик (масалан, бир нечта муниципалитетларга бўйсунувчи транспорт маъмурияти);

- f = ҳукуматлараро

Халқаро ташкилотлар ва уларнинг агентликлари суверен давлатлар билан шартномаларни тузиш учун ваколатланган (масалан, Халқаро валюта фонди ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти);

- g = нолегал ҳукумат ёки қувғиндаги ҳукумат

Норасмий ҳукуматлар (масалан, 1941 йилдан 1944 йилгача қувғинда бўлган Франция ҳукумати);

- h = даража аниқланмаган

Каталоглаштириладиган ҳужжат қандайдир бошқарув органи номидан нашр қилинган бўлса, фойдаланилади, аммо бу орган даражаси мавжуд ахборотдан аниқланиши мумкин эмас;

- u = номаълум

Ушбу иш давлат ҳокимияти органи номидан нашр қилиниши ёки нашр қилинмаслигини аниқлаш мумкин бўлмаганда, фойдаланилади;

- y = ҳукуматга оид бўлмаган нашр

Ҳужжат қандайдир давлат бошқаруви органининг номидан нашр қилинмаса, коддан фойдаланилади;

- z = бошқа маъмурий даража

Ҳужжат a-g кодларининг ҳеч бирида акс эттирилмаган даражадаги ҳокимият органининг нашри ҳисобланса, фойдаланилади.

\$a / (21-символ позицияси) Модификацияланган ёзув коди:

- 0 = ёзув модификацияланмаган;

- 1 = ёзув модификацияланган.

Агар ёзув модификация қилинса, тўлдирилиши мажбурий

Модификацияланган ёзувнинг бир символли коди маълумотларни ҳужжатда келтирилган шаклда узатиш учун мавжуд символлар тўплами етарли ёки етарли эмаслигини кўрсатади. Агар етарли бўлмаса, бу масалан, ҳужжатда ўзига хос шрифтлар ёки математик формулалардан фойдаланиш туфайли олиниши мумкин, унда ушбу маълумотларни тақдим этиш учун транслитерация, грек ҳарфлари ёки қандайдир бошқа нотация (масалан, формуланинг сўз орқали ифодаси)дан фойдаланиш мумкин. Бундай ёзув модификацияланган ҳисобланади.

\$a / (22-24-символлар позициялари) Каталоглаштириш тили

Тўлдирилиши мажбурий.

Каталоглаштиришда фойдаланиладиган тилни аниқловчи уч символли код. Тиллар кодлари рўйхати C иловада келтирилган.

Каталоглаштириш тили ҳаволалар, маълумотномалар ва изохлар тили билан (аммо сарлавҳа тили билан эмас) аниқланади.

\$a / (25-символ позицияси) Транслитерация коди:

- a = халқаро транслитерация қоидалари;

- b = бошқа қоидалар;

- c = бир нечта халқаро транслитерация схемалари ёки бошқа қоидалар;

- y = транслитерациядан фойдаланилмайди.

Агар транслитерациядан фойдаланилса, тўлдирилиши мажбурий.

\$a / (26-29-символлар позициялари) Символлар тўпламлари

Тўлдирилиши мажбурий.

Ёзувлар алмашувида фойдаланиладиган график символларнинг асосий тўпламларини аниқловчи иккита икки символли кодлар. 26-27-позициялари G0 тўплами, 28-29-позициялари G1 тўплами аниқлайди. Агар G1 тўплами керак бўлмаса, 28-29-позициялари бўш жой: «##» символларидан иборат.

Қуйидаги икки символли кодлардан фойдаланилади (зарурат бўлганда уларнинг рўйхати кенгайтирилиши мумкин):

- 01 = Асосий лотин тўплами;
- 02 = Асосий кирилл тўплами;
- 03 = Кенгайтирилган лотин тўплами;
- 04 = Кенгайтирилган кирилл тўплами;
- 05 = Грек тўплами;
- 06 = Кодланган африка символлари тўплами;
- 07 = Грузин алифбоси символлари тўплами;
- 08 = 1-иврит символлар тўплами;
- 09 = 2-иврит символлар тўплами;
- 10 [Резервланган];
- 11 = Камдан-кам учрайдиган Европа тилларида ва эскирган босма-хоналарда фойдаланиладиган лотин символлари;
- 50 = Unicode, UTF-8;
- 79 = Code Page 866;
- 89 = WIN 1251;
- 99 = KOI-8.

\$a/(30-33-символлар позициялари) Қўшимча символлар тўпламлари

Тўлдирилиши мажбурий. Ёзувлар алмашувида фойдаланиладиган график символларнинг иккитадан кўп бўлмаган қўшимча тўпламини аниқловчи иккита икки символли кодлар. Қўшимча тўпламларни аниқлаш учун 26-29-позициялар учун ишлатилган рўйхатдан олинган кодлардан фойдаланилади.

30-31-позициялар G2 тўплами аниқлайди, 32-33-позициялар G3 тўплами аниқлайди. Агар символларнинг қўшимча тўпламлари талаб қилинмаса, позициялар бўш жой: «####» символларидан иборат.

\$a / (34-35-символлар позициялари) Сарлавҳа графикаси

Агар сарлавҳа графикаси 101\$g (ёки 101\$a, агар \$g бўлмаса) майдон остида кўрсатилган тил учун оддий графикадан фарқ қилса, тўлдирилиши мажбурий. Асосий сарлавҳа сифатида фойдаланиладиган сарлавҳа графикасини аниқлайдиган икки символли код (серияли ҳужжатлар ҳолатида – муҳим сарлавҳа).

Сарлавҳа тавсифлаш манбаида келтириладиган алифбога тегишли,

ёзувдаги символлар тўпламига тегишли эмас.

Кодлар тўпламларининг халқаро стандартлари бўлмаганда қуйидаги кодлар тавсия қилинади:

- ba = лотин;
- ca = кирилл;
- da = япон - аниқланмаган графика;
- db = япон – канжи;
- dc = япон – канна;
- ea = хитой;
- fa = араб;
- ga = грек;
- ha = иврит;
- ia = таиланд;
- ja = деванагари;
- ka = корей;
- la = тамил;
- ma = грузин;
- mb = арман;
- zz = бошқа.

Ўзаро боғлиқ майдонлар юқорида алоҳида кодларни тавсифлашда кўрсатилган.

101 Хужжатнинг тили

Майдон ўз ичига каталоглаштирилаётган ҳужжат, унинг қисмлари ва сарлавҳасининг тили тўғрисидаги кодланган ахборотни олади, шунингдек агар ҳужжат таржима қилинган бўлса, унинг асл нусхасининг тили кўрсатилади.

Матнли ахборотни ўз ичига олган ҳужжатлар учун мажбурий.

Такрорланмайди.

1-индикатор: Таржима индикатори:

- 0 – Асл нусха тил (лар)идаги ҳужжат (шу жумладан, параллел матн);

- 1 – Ҳужжат асл нусханинг ёки оралиқ таржима қилинган ҳужжатнинг таржимаси бўлиб ҳисобланади;

- 2 – Ҳужжат таржима (бир нечта таржималар)ни ўз ичига олади.

Агар дастлабки форматдан конвертация қилинган ёзувлардаги индикаторни аниқлаш имкони бўлмаса, юқорида тавсифланган қийматлар ўрнига «|» тўлдирувчи символдан фойдаланилади.

Агар ҳужжатдаги фақат мақолаларнинг резюмелари таржима бўлиб ҳисобланса, 2 қийматидан фойдаланилмайди.

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Матн, овоз ёзуви ва ҳ.нинг тили.

Матнли асосга эга бўлган ҳужжатлар учун мажбурий (шу жумладан, нафақат матнли асосга эга бўлган ҳужжатлар, масалан, кўшиқлар, ариялар, фильмлар ва б. учун)

Матн биттадан ортиқ тилда ёзилган ҳолда такрорланади.

\$b Оралиқ таржима тили

Агар каталоглаштирилаётган ҳужжат асл нусха тилидан таржима қилинмаётганда мажбурий.

Таржима бир нечта оралиқ таржималар орқали амалга оширилган ҳолда такрорланади.

\$c Асл нусха тили.

Агар каталоглаштирилаётган ҳужжат таржима бўлса, мажбурий.

Асл нусха биттадан ортиқ тилда нашр қилинган ҳолда такрорланади.

\$d Резюме тили.

Каталоглаштирилаётган ҳужжатнинг умуман резюмеси ва рефератларининг ёки қисмларининг тили.

Резюме ва/ёки рефератлардан бирортасининг тили матн тил (лар)идан фарқ қилса (101\$a майдон ости), мажбурий.

Агар ҳужжат турли тиллардаги резюме ва/ёки рефератларни ўз ичига олса, такрорланади.

\$e Сарлавҳа тили.

Сарлавҳа тилларидан ҳеч бўлмаса биттаси матн тил (лар)идан фарқланса, (101\$a майдон ости) мажбурий.

Сарлавҳанинг ҳар бир тили учун такрорланади.

\$f Титул варағи тили.

Титул варағининг тилларидан ҳеч бўлмаса биттаси матн тил (лар)идан фарқланса, мажбурий (101\$a майдон ости).

Титул варағининг ҳар бир тили учун такрорланади.

\$g Асосий сарлавҳа тили.

Агар асосий сарлавҳа тили матннинг биринчи ёки ягона тилидан фарқланса, мажбурий (101\$a майдон ости).

Такрорланмайди, сабаби таъриф бўйича асосий сарлавҳа битта тилга эга. Асосий сарлавҳанинг бошқа тилларда такрорланиши параллел сарлавҳалар ҳисобланади ва уларнинг тиллари 200\$z майдон остида кўрсатилади.

\$h Либретто ва ш.к. тили.

Матн тили ёки тиллари, агар тавсифланаётган ҳужжат матн ёки бевосита тавсифланаётган ҳужжатда босилган илова материални ўз ичига

олса. Майдон ости либретто билан чекланмайди.

Агар либретто ва ш.к. тили матннинг биринчи ёки ягона тилидан фарқланса, мажбурий (101\$a майдон ости).

Такрорланади.

\$i Илова қилинган материал тили (либретто, қисқа мазмун ва аннотациялардан ташқари).

Илова қилинган материалнинг дастурга изоҳлар, кириш қисмлари, йўриқномалар ва ҳ. кабилар тилининг кодини ўз ичига олади.

Агар илова қилинган материал тилларидан ҳеч бўлмаса бири матн тил (лар)идан фарқланса, мажбурий (101\$a майдон ости).

Такрорланади.

\$j Субтитрлар тили.

Кинофильмлар субтитрларининг тили, агар у саундтрек тилидан фарқланса.

Агар субтитрлар тили 101\$a майдон остида кўрсатилган тилдан фарқланса, мажбурий.

Такрорланади.

Ҳар бир майдон ости тилнинг уч символли кодини ўз ичига олади (С илова). Агар майдон ости такрорланса, тил кодларининг тартиби каталоглаштирилаётган ҳужжатдаги тилдан фойдаланиш кетма-кетлиги ва аҳамиятини акс эттириши керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, тиллар кодлари алифбо тартибида ёзилади. Агар қандайдир майдон остида учтадан ортиқ тиллардан фойдаланилса, «mul» коди қўлланилиши мумкин.

Ўзаро боғланган майдонлар:

100 Умумий ишлов бериш маълумотлари. Каталоглаштириш тили (\$a, 22-24-символлар позициялари)

200 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар, \$z майдон ости

510-541 Ўзаро боғланган сарлавҳалар

102 Нашр қилган ёки ишлаб чиқарган мамлакат

Майдон ҳужжатни нашр қилган ёки ишлаб чиқарган мамлакатларнинг бир ёки ундан ортиқ номларининг кодларини ўз ичига олган.

Мажбурий, агар маълумотлардан фойдаланиб бўлса.

Такрорланмайди.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Нашр қилган мамлакат.

Каталоглаштириладиган ҳужжат нашр қилинган ёки ишлаб чиқарилган мамлакатнинг кодини ўз ичига олади. Икки символли кодлар жадвалидаги кодлардан фойдаланилади (В илова).

Мажбурий, агар 102-майдон ёзувда берилса.

Агар иш биттадан ортиқ мамлакатда ёки мамлакат доирасидаги биттадан ортиқ нашр қилиш жойида нашр қилинган бўлса, такрорланади.

\$b Нашр қилинган жой.

Ҳужжат нашр қилинган ёки ишлаб чиқарилган жойни кўрсатувчи код. Агар майдонда биттадан ортиқ \$a майдон остиси бўлса, такрорланади. Майдон остида икки символли кодлар жадвалидан фарқли жадвалдан олинган кодлар кўрсатилади (В илова). Кодлар олинган жадвал \$2 майдон остисидан идентификация қилинади.

Факультатив.

Такрорланади.

\$c Нашр қилинган жой.

Ҳужжат нашр қилинган ёки ишлаб чиқарилган жойни кўрсатувчи код. Агар майдонда биттадан ортиқ \$a майдон остиси бўлса, такрорланади. Икки символли кодлар жадвалидаги кодлардан фойдаланилади (В илова).

Факультатив.

Такрорланади.

\$2 Тизим коди (В иловада берилган икки символли кодлардан фарқли код манбаи)

\$b майдон остисидан код олинган манба.

Факультатив.

Такрорланади.

Нашр қилинган жойнинг коди у тегишли бўлган мамлакатнинг кодиндан кейин бевосита кўрсатилиши керак. Битта мамлакатга тегишли бўлган бир нечта нашр қилиш жойларини кўрсатиш зарур бўлган ҳолда, ҳар бир \$b ва \$c майдон остидан олдин \$a майдон остиси келиши учун мамлакат кодини такрорлаш тавсия қилинади.

Қўшимча кодлар:

- xx – Мамлакат номаълум (коднинг қиймати фойдаланувчи томонидан локал фойдаланиш учун белгиланган);

- zz – Бир нечта (учтадан кўп) мамлакатлар.

Ўзаро боғланган майдонлар:

210 Нашр қилиш, тарқатиш ва б.

620 Нашр қилиш, бажариш жойи ва санаси ва ҳ.

105 Кодланган маълумотлар майдони: матнли материаллар, монографик китоблар

Майдон ўз ичига монографик матнли нашрларга тегишли бўлган

кодланган маълумотларни олади.

Изоҳ: монографик серияларни тавсифлаш учун 110-майдондан фойдаланилади.

Босма монографик матнли ҳужжатлар (китоблар, рисоалар) учун мажбурий.

Такрорланмайди.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Монографик матнли ҳужжат тўғрисидаги кодланган маълумотлар.

\$a майдон остига ёзиладиган барча маълумотлар, майдон остидаги символнинг позицияси билан идентификация қилинади.

Символлар позициялари 0 дан 12 гача рақамланади. Символларнинг барча позициялари майдон остида берилиши керак. Агар маълумотлар элементи кодланмаса, тегишли позициялар «|» тўлдирувчи символлар билан тўлдирилади. Агар ушбу элемент учун ажратилган эҳтимолӣ позицияларнинг фақат бир қисмидан фойдаланилса, у ҳолда фойдаланилмайдиган позициялар «#» бўш жой символини ўз ичига олади.

Агар 105-майдон ёзувда берилса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$a майдон ости маълумотларининг элементлари 4-жадвалда берилган.

4-жадвал

Маълумотлар элементининг номи	Символлар миқдори	Символлар позициялари
(1) Расмлар кодлари	4	0-3
(2) Мазмун шаклининг кодлари	4	4-7
(3) Конференция ёки йиғилиш коди	1	8
(4) Юбилей нашри индикатори	1	9
(5) Кўрсаткич индикатори	1	10
(6) Бадиий жанр коди	1	11
(7) Биография коди	1	12

\$a / (0-3-символлар позициялари) Расмлар кодлари

Расмлар кодлари учун символларнинг тўртта позицияси ажратилган, улар чапдан ўнгга томон тўлдирилади. Фойдаланилмайдиган позициялар бўш жойлар (#) билан тўлдирилади. Агар ҳужжатни тавсифлаш учун тўрттадан кўп кодлар қўлланилиши мумкин бўлса (яъни тўрттадан ортиқ расмлар типлари мавжуд), биринчи тўрттасини улар рўйхатда келтирилган тартибда танлаб олиш керак.

Агар маълумотлар элементидан фойдаланилмаса, 0-3 символларнинг позициялари «|» тўлдирувчи символлар билан тўлдирилади. Агар маълумот

мотлар элементидан фойдаланилса, аммо расмларнинг тўрттадан кам типи мавжуд бўлса, қолган позициялар «#» бўш жой символлари билан тўлдирилади.

Расмларнинг қуйидаги кодларидан фойдаланилади:

- a = расмлар;
- b = хариталар;
- c = портретлар (якка тартибдаги ёки гуруҳли);
- d = денгиз хариталари (навигацияда фойдаланиш учун мўлжалланган хариталар);
- e = планлар (бинолар жойлашган ҳудудлар планлари);
- f = қўшимча варақлар (матнли изоҳларга эга ёки эга бўлмаган расмли материалларни ўз ичига олган ва асосий матн бетлари ёки варақларининг қисми ҳисобланмайдиган варақлар);
- g = мусиқали асарлар (фақат матнли шаклда);
- h = факсимиле (нусха олиб кўпайтириш ёки босиш воситалари ёрдамида бутун ҳужжат ёки унинг қисмини қайта тиклаш);
- i = герблар;
- j = генеалогик жадваллар, схемалар;
- k = шакллар (бланклар, анкеталар ва ҳ.);
- l = намуналар (шаблонлар ва ш.к.);
- m = овоз ёзиб олиш (китобга маҳкамланган кармончага жойланган овоз ёзилган пластинка ёки диск);
- n = шаффоф плёнкали материаллар (transparencies);
- o = қўлёзмадаги безаклар ва нақшлар, бўялган ҳарфлар;
- u = расмларсиз.

\$a / (4-7-символлар позициялари) Мазмун шаклининг кодлари
Факультатив.

Кодлар учун символларнинг тўртта позицияси ажратилади, улар чапдан ўнгга томон тўлдирилади. Фойдаланилмайдиган позициялар бўш жойлар (#) билан тўлдирилади. Агар ҳужжатни тавсифлаш учун тўрттадан кўп кодлар қўлланилиши мумкин бўлса (яъни мазмуннинг тўрттадан ортиқ кодлари типлари мавжуд), биринчи тўрттасини улар рўйхатда келтирилган тартибда танлаб олиш керак. Агар маълумотлар элементидан фойдаланилмаса, 4-7-символларнинг позициялари «|» тўлдирувчи символлар билан тўлдирилади. Агар маълумотлар элементидан фойдаланилса, аммо мазмун кодларининг тўрттадан кам типи мавжуд бўлса, қолган позициялар «#» бўш жой символлари билан тўлдирилади. Агар рўйхатда мазмуннинг талаб қилинадиган шакли бўлмаса, «z» кодидан фойдаланилади.

Мазмун шаклининг қуйидаги кодларидан фойдаланилади:

- 7 = фан доктори/номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациядан паст даражадаги академик нашр;
- a = библиографик нашр;
- b = каталог;
- c = кўрсаткич;

- d = реферат ёки резюме, шу жумладан тавсифловчи, маълумот берувчи ва ахборот рефератлари;

- e = луғат;
- f = энциклопедия;
- g = маълумот нашри;
- h = лойиҳанинг тавсифи;
- i = статистик маълумотлар;
- j = дарслик;
- k = патент ҳужжати;
- l = стандарт;
- m = диссертация (асл нусхаси);
- n = қонунлар ва қонун ҳужжатлари;
- o = рақамли жадваллар;
- p = техник ҳисобот;
- q = имтиҳон варақаси;
- r = бадиий шарҳ/рецензия;
- s = шартномалар;
- t = карикатуралар ёки комикслар;
- v = диссертация (қайта ишланган);
- w = диний матнлар;
- z = мазмуннинг бошқа типи.

Норматив, техник, эълон қилинмаган ҳужжатлар учун [4-7] позицияларни тўлдириш бўйича маълумотлар 5-жадвалда берилган.

5-жадвал

Ҳужжат тури	4-7-поз.
(1) Стандартлаштириш бўйича норматив-техник ҳужжатлар	l###
(2) Техник-иқтисодий нормативлар ва нормалар. Нархномалар.	z###
(3) Патент ҳужжатлари	k###
(4) Намунавий лойиҳалар ва чизмалар	h###
(5) Саноат каталоглари	b###
(6) Депонентланган илмий ишлар	z###
(7) Илмий-тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисоботлар	p###
(8) Диссертациялар	m###
(9) Диссертациялар авторефератлари	dm##
(10) Диплом ишлари	7###
(11) Эълон қилинмаган таржималар	Асл нусхасига боғлиқ ҳолда

\$a / (8-символ позицияси) Конференция коди

Ҳужжатнинг таркиби илмий ишлар, ҳисоботлар, конференция, йиғилиш, семинар ёки анжуман якунларидан иборат эканлигини кўрсатувчи бир символли код. Коддан конференциянинг ва ш.к. номидан фойдалана олиш нуқтаси яратилишидан қатъи назар фойдаланилади.

Факультатив.

Конференциянинг қуйидаги кодларидан фойдаланилади:

- 0 = конференция номидан эълон қилинадиган нашр ҳисобланмайди;
- 1 = конференция номидан эълон қилинадиган нашр ҳисобланади.

\$a / (9-символ позицияси) Юбилей нашрининг индикатори

Юбилей нашрини белгиловчи бир символли код (кўпинча тадқиқотлар натижаларидан иборат бўлган, алоҳида шахс, институт ёки жамиятга атаб, одатда юбилейни нишонлаш муносабати билан нашр қилинган, эссе, маърузалар, манзиллар, библиографик, илмий ёки бошқа мақолалар тўплами шаклидаги қутлов ёки мемориал нашр).

Факультатив.

Юбилей нашрининг қуйидаги индикаторларидан фойдаланилади:

- 0 = юбилей нашри ҳисобланмайди;
- 1 = юбилей нашри ҳисобланади.

\$a / (10-символ позицияси) Кўрсаткич индикатори

Ҳужжатда ҳужжат матнига кўрсаткич мавжудлигини кўрсатувчи бир символли код:

- 0 = кўрсаткич мавжуд эмас;
- 1 = кўрсаткич мавжуд.

\$a / (11-символ позицияси) Бадиий жанр коди

Агар ҳужжат бадиий асар ҳисобланса, бадиий жанрнинг қуйидаги кодларидан фойдаланилади:

- a = бадиий адабиёт;
- b = драма (пьесалар, шу жумладан теле- пьесалар, сценарийлар ва х.);
- c = очерклар, эссе;
- d = юмор, сатира;
- e = хатлар;
- f = қисқа ҳикоялар;
- g = шеърӣ асарлар;
- h = нутқлар ва бошқа риторик шакллар;
- i = либретто;
- y = бадиий бўлмаган матн;
- z = аралаш ва бошқа бадиий шакллар.

\$a / (12-символ позицияси) Биография коди

Иш биографик ҳисобланса, у ҳолда биография турининг қуйидаги кодларидан фойдаланилади:

- a = таржимаи ҳол (шу жумладан хатлар, ёзишмалар);
- b = алоҳида шахснинг биографияси;
- c = жамоа биографияси;
- d = биографик ахборот тўплами;
- y = биография эмас.

\$9 Олий касб-хунар таълими босқичининг коди

Олий касб-хунар таълими босқичининг қуйидаги икки символли кодларидан фойдаланилади:

- aa = олий мактаб – тўлиқ бўлмаган олий таълим;
- ab = олий мактаб – бакалавр;
- ac = олий мактаб – мутахассис;
- ad = олий мактаб – магистр;
- au = олий мактаб – номаълум;
- ba = аспирантура – фан номзоди;
- ca = докторантура – фан доктори;
- zz = бошқа.

\$9 майдон остининг таркиби тўғрисидаги изох:

Майдон остидан ҳужжатларнинг ўзига хос турлари (диссертациялар, авторефератлар, диплом ишлари, илмий маъруза шаклидаги ишлар)ни тавсифлашда, тавсифланаётган иш даъво қилинган илмий малакани кўрсатиш учун фойдаланилади.

Ўзаро боғланган майдонлар:

100 Умумий ишлов бериш маълумотлари

106 Кодланган маълумотлар майдони: ҳужжатнинг шакли

215 Физик характеристика

328 Диссертация (автореферат)га изохлар

106 Кодланган маълумотлар майдони: ҳужжатнинг шакли

Майдон каталоглаштирилаётган ҳужжатнинг шакли тўғрисидаги кодланган маълумотларни ўз ичига олади.

Факультатив.

Такрорланмайди.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Ҳужжатнинг шакли: кодланган маълумотлар: ташувчининг белгиланиши

Каталоглаштирилаётган ҳужжатнинг ташувчисини тавсифловчи бир символли код.

Агар 106-майдон ёзувда келтирилса, мажбурий.

Такрорланмайди.

Ресурс шаклининг қуйидаги кодларидан фойдаланилади:

- d = йирик босма усул;
- e = газета формати;
- f = Брайль ва Мун шрифтлари;

- g = микробосма усул;
- h = қўлёзма;
- i = бир нечта ташувчилардаги ахборот;
- j = мини босма усул;
- r = оддий босма усул;
- s = электрон ресурс;
- t = микрошакл;
- z = материалнинг бошқа шакли.

Майдондан талаб қилинганда фақат материалнинг хусусиятини кўрсатиш учун фойдаланилади. Агар материал оддий босма усулда нашр қилинган бўлса, майдон «r» кодига эга бўлиши ёки умуман бўлмаслиги мумкин.

Ўзаро боғланган майдонлар:

130 Кодланган маълумотлар майдони: микрошакллар - физик характеристикалар

135 Кодланган маълумотлар майдони: электрон ресурслар

200 Сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар (\$b майдон ости Материалнинг умумий белгиланиши)

451 Ўхшаш ташувчидаги бошқа нашр

452 Бошқа ташувчидаги бошқа нашр

500 Бир хиллаштирилган сарлавҳа (\$b майдон ости Материалнинг умумий белгиланиши)

110 Кодланган маълумотлар майдони: давом этувчи ресурслар

Майдон давом этувчи ресурсларга тегишли бўлган кодланган маълумотларни, шу жумладан мустақил монография сифатида эмас, балки серияли ҳужжатлар сифатида каталоглаштириладиган монографик серияларни ўз ичига олади.

Умуман давом этувчи ресурс учун тузиладиган юқори даражали ёзувда мажбурий.

Такрорланмайди.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилари:

\$a Давом этувчи ресурснинг кодланган маълумотлари

\$a майдон остисига ёзиладиган барча маълумотлар майдон остидаги символнинг позицияси билан идентификация қилинади.

Символлар позициялари 0 дан 10 гача рақамланади. Символларнинг барча позициялари майдон остида ифодаланиши керак.

Мажбурий, агар 110-майдон ёзувда келтирилган бўлса.

Такрорланмайди.

\$a майдон ости маълумотлари элементлари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Маълумотлар элементи номи	Символлар миқдори	Символлар позициялари
(1) Давом этадиган ресурс турининг аниқловчиси	1	0
(2) Нашрнинг даврийлиги	1	1
(3) Мунтазамлик	1	2
(4) Материал типининг коди	1	3
(5) Таркиб характерининг коди	3	4-6
(6) Конференция материалларининг индикатори	1	7
(7) Титул варағининг мавжудлик коди	1	8
(8) Кўрсаткичнинг мавжудлик коди	1	9
(9) Эркин кўрсаткичнинг мавжудлик коди	1	10

\$a / (0-символ позицияси) давом этадиган ресурс турини аниқловчи

Давом этадиган ресурс турини белгилайдиган қуйидаги кодлар аниқланган:

- a = даврий нашр;
- b = монографик серия;
- c = газета;
- e = ўзгарувчи варақли интеграция қилинадиган нашр;
- f = маълумотлар базаси;
- g = янгиланадиган веб-сайт;
- z = бошқалар.

\$a / (1-символ позицияси) Нашрнинг даврийлиги

Давом этадиган ресурс даврийлигини белгилайдиган бир символли кодлар 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Код	Маъноси	Код	Маъноси
a	= ҳар кун	k	= ҳар йил
b	= ҳафтада икки марта	l	= икки йилда бир марта
c	= ҳар ҳафта	m	= уч йилда бир марта
d	= икки ҳафтада бир марта	n	= ҳафтада уч марта
e	= ойда икки марта	o	= ойда уч марта
f	= ҳар ой	p	= ҳар доим янгиланади
g	= икки ойда бир марта	u	= номаълум
h	= ҳар чорак	y	= даврийлик мунтазам эмас
i	= йилда уч марта	z	= бошқа
j	= йилда икки марта		

\$a / (2-символ позицияси) Мунтазамлик

Давом этадиган ресурс нашрлари чиқишининг мунтазамлигини кўрсатувчи бир символли код:

- a = мунтазам;
- b = нормаллаштирилган номунтазам;
- u = номаълум;
- y = номунтазам.

\$a / (3-символ позицияси) Материал турининг коди

Умуман давом этадиган ресурсни кўрсатувчи бир символли код маълумотнома материаллари туридан бири ҳисобланади. 8-жадвалда келтирилган кодларнинг биридан битта кодни танлаш керак.

8-жадвал

Код	Маъноси	Код	Маъноси
a	= библиографик нашр	k	= обзор
b	= каталог	l	= қонун чиқарувчи далолатномалар
c	= кўрсаткич	m	= суд ҳисоботлари ва суд қарорлари кўчирмаларининг тўплами
d	= реферат ёки резюме	n	= юридик мақолалар
e	= луғат	o	= суд амалиётидаги ҳоллар ва уларнинг изоҳлари
f	= энциклопедия	p	= биографиялар
g	= маълумотнома нашри	r	= жорий даврий обзорлар
h	= ҳар йилги ҳисобот/ ҳар йилги обзор	t	= карикатуралар ёки комикслар
i	= статистик ҳисобот/обзор	z	= таркибнинг бошқа типи
j	= дарслик		

\$a / (4-6-символлар позициялари) Таркиб характерининг коди

Уч символли код давом этадиган ресурс \$a/3 позиция учун санаб ўтилган типлардан бир ёки ундан ортиқ материалларни ўз ичига олишини ёки олмаслигини кўрсатади. \$a/3 позицияда жойлашган давом этадиган ресурснинг ўз характеристикаларидан фарқлаш керак.

Учтагача кодлар кўрсатилиши мумкин (чапга тўғриланган); ишлатилмайдиган позициялар бўш жой (#) билан тўлдирилади. Агар ресурсни тавсифлаш учун учтадан кўп кодлар қўлланилса (яъни, учтадан кўп материал иштирок этса), 8-жадвалда келтирилган тартибда биринчи учта кодни танлаш керак.

Агар маълумотлар элементи ишлатилмаса, 0-3-символлар позициялари тўлдирувчи-символлар «|» билан тўлдирилади.

\$a / (7-символ позицияси) Конференция материаллари индикатори

Давом этадиган ресурс конференция, мажлис, семинар ёки симпозиум асарлари, ҳисоботлари ёки улар ишининг қисқача тавсифини ўз

ичига олишини кўрсатадиган бир символли код:

- 0 = конференция номидан нашр қилинадиган нашр ҳисобланмайди;
- 1 = конференция номидан нашр қилинадиган нашр ҳисобланади.

\$a / (8-символ позицияси) Титул варағининг мавжудлик коди

Давом этадиган ресурснинг алоҳида жилдлари учун титул варағининг мавжудлигини, шунингдек унга эга бўлиш усулини кўрсатадиган бир символли код. Қуйидаги кодлар қўлланилади:

- a = жилднинг охирги нашридаги титул варағи – бириктирилмаган;
- b = жилднинг охирги нашридаги титул варағи – бириктирилган;
- c = кейинги жилднинг биринчи нашридаги титул варағи – бириктирилмаган;
- d = кейинги жилднинг биринчи нашридаги титул варағи – бириктирилган;
- e = титул варағи алоҳида нашр қилинади – буюртма бўйича эркин;
- f = титул варағи алоҳида нашр қилинади – эркин, автоматик тарзда юборилади;
- g = титул варағи алоҳида нашр қилинади – сотиб олинади – буюртма бўйича;
- u = ёзувни тайёрлаш вақтида номаълум;
- y = титул варағи нашр қилинмайди;
- z = бошқа.

\$a / (9-символ позицияси) Кўрсаткичнинг мавжудлик коди

Давом этадиган ресурснинг алоҳида жилдлари учун кўрсаткич ёки мундарижанинг мавжудлигини, шунингдек унга эга бўлиш усулини кўрсатувчи бир символли код. Кўрсаткични ифодалайдиган давом этадиган ресурс 3-символ позициясида «с» бўлиб кодланади.

Тўлдириш мажбурий, агар ҳужжатда кўрсаткич бўлса.

Қуйидаги кодлар қўлланилади:

- a = ҳар бир нашр мундарижа учун кўрсаткичга эга – бириктирилмаган;
- b = мундарижа учун кўрсаткич – жилднинг охирги нашрида – бириктирилмаган – мустақил равишда рақамланган бетлар билан;
- c = мундарижа учун кўрсаткич – жилднинг охирги нашрида – рақамланмаган бетлар билан;
- d = мундарижа учун кўрсаткич – жилднинг охирги нашрида – бириктирилган;
- e = мундарижа учун кўрсаткич – кейинги жилднинг биринчи нашрида – бириктирилмаган – мустақил равишда рақамланган бетлар билан;
- f = мундарижа учун кўрсаткич – кейинги жилднинг биринчи нашрида – бириктирилмаган – рақамланмаган бетлар билан;
- g = мундарижа учун кўрсаткич – кейинги жилднинг биринчи нашрида – бириктирилган;
- h = алоҳида нашр этилади – эркин – автоматик юборилади;

- i = алоҳида нашр этилади – сўров бўйича эркин;
- j = алоҳида нашр этилади – нашр этувчидан муқова – эркин - автоматик юборилади;
- k = алоҳида нашр этилади – нашр этувчидан муқова – сўров бўйича эркин;
- l = алоҳида нашр этилади – нашр этувчидан муқова – сўров бўйича сотилади;
- m = кўрсаткич серияли нашр ҳисобланади ва асосий серияли нашрнинг иловаси ёки серия ости сифатида нашр қилинади;
- u = ёзувни тайёрлаш вақтида номаълум;
- y = кўрсаткич мавжуд эмас;
- z = бошқа.

\$a / (10-символ позицияси) Жамловчи кўрсаткичнинг мавжудлик коди

Жамловчи кўрсаткич ёки мундарижа мавжудлигини кўрсатувчи бир символли код.

Агар ҳужжат кўрсаткичдан иборат бўлса, мажбурий тўлдирилади.

Қуйидаги кодлар қўлланилади:

- 0 = жамловчи кўрсаткич ёки мундарижа йўқ;
- 1 = жамловчи кўрсаткич ёки мундарижа мавжуд.

Ўзаро боғланган майдонлар:

Ёзув маркери, библиографик даража (7-символ позицияси).

Ёзув маркери 7-позициясидаги «s» код давом этадиган ресурснинг тавсифини тўлиқ ўз ичига олган юқори даражанинг ёзувини белгилайди; шундай қилиб, ёзувда 110-майдон бўлиши керак.

115 Кодланган маълумотлар майдони: визуал-проекцияланган материаллар, видеоёзувлар ва кинофильмлар

Майдон визуал-проекцияланган материаллар, видеоёзувлар ва кинофильмларга тегишли қайд этилган узунликдаги кодланган маълумотларни ўз ичига олади.

Факультатив.

Такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

Майдон остиларга киритиладиган барча маълумотлар майдон остидаги символнинг позицияси билан идентификация қилинади. Символлар позициялари 0 дан бошлаб рақамланади.

\$a Кодланган маълумотлар – умумий.

Агар 115-майдон ёзувда келтирилса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$a майдон ости маълумотлари элементлари 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

Маълумотлар элементининг номи	Символлар сони	Символлар позициялари
(1) Материал тури	1	0
(2) Узунлик	3	1-3
(3) Ранг индикатори	1	4
(4) Товуш индикатори	1	5
(5) Товуш ташувчиси	1	6
(6) Кенглик ёки ўлчамлар	1	7
(7) Физик ташувчининг шакли – визуал-проекцияланган материал, кинофильм	1	8
(8) Кинофильм, видеоёзув техникаси	1	9
(9) Такдим этиш формати - кинофильмлар	1	10
(10) Илова қилинадиган материал	4	11-14
(11) Физик ташувчининг шакли - видеоёзувлар	1	15
(12) Такдим этиш формати - видеоёзувлар	1	16
(13) Эмульсия асоси - визуал-проекцияланган материаллар	1	17
(14) Иккиламчи асос материаллари - визуал-проекцияланган материаллар	1	18
(15) Трансляция стандарти - видеоёзувлар	1	19

Ҳар бир майдон остида символларнинг барча позициялари тўлдирилиши керак. Агар муассаса кодлар туридан бирини ўзлаштирмаса, унда бу позицияда тўлдирувчи-символ «|» қўйилади.

\$a\$ Кодланган маълумотлар – Умумий

\$a / (0\$-символ позицияси) Материал тури

Тавсиф қилинаётган материалнинг турини аниқлайдиган бир символли код.

Қуйидаги кодлар қўлланилади:

- a = кинофильм;
- b = визуал-проекцияланган материал;
- c = видеоёзув.

\$a / (1\$-3-символлар позициялари) Узунлик

Учта рақам ҳужжат тури 0-позицияда келтирилган ҳужжатнинг узунлигини аниқлайди. Кинофильмлар, видеотасмалар ёки электрон видеоёзувлар узунлиги минутларда аниқланади; диафильмлар, слайдлар ёки бошқа тасмали материаллар узунлиги – мос равишда кадрлар, слайдлар сони ёки тасмали материаллар сони билан аниқланади.

Сон ўнгга текисланади, тўлдирилмаган позициялар нолларни ўз ичига олади.

Агар узунлик маълум бўлмаса ёки материал тури келтирилмаган бўлса, унда бу элемент учта бўш жойни (###) ўз ичига олади.

Агар узунлик учта символдан ошса, маълумотлар элементи учта нолни (000) ўз ичига олади.

\$a / (4-символ позицияси) Ранг индикатори

Ранг характеристикаларини кўрсатувчи бир символли код:

- a = оқ-қора;
- b = рангли;
- c = оқ-қора ва ранглининг комбинацияси;
- u = номаълум;
- z = бошқалар (сепия, тонли ва ҳ.).

\$a / (5-символ позицияси) Товуш индикатори

Товушни ёзиб олиш усулини аниқлайдиган бир символли код:

- a = товуш ҳудди шу ташувчига ёзилган;
- b = алоҳида товуш йўлкаси;
- u = номаълум;
- y = товушсиз.

\$a / (6-символ позицияси) Товуш ташувчиси

Товуш ташувчисини аниқлайдиган бир символли код:

- a = киноплёнкадаги оптик товуш йўлкаси;
- b = киноплёнкадаги магнит товуш йўлкаси;
- c = бир ғалтакли кассетадаги магнит аудиотасма;
- d = товушли диск;
- e = магнит ғалтакли аудиотасма;
- f = икки ғалтакли кассетадаги магнит аудиотасма;
- g = киноплёнкадаги оптик ва магнит товуш йўлкалари;
- h = видеокассетали тасма;
- i = видеодиск;
- u = номаълум;
- x = товуш йўқ;
- z = бошқалар.

\$a / (7-символ позицияси) Кенглик ёки ўлчамлар

Киноплёнкалар кенглиги ёки слайдлар, транспарантлар ва видеокассетали тасмалар ўлчамларини аниқлайдиган бир символли код 10-жадвалда келтирилган. Агар 10-жадвалда келтирилган кодлардан бирини қўллаш мумкин бўлмаса, «z» коди «бошқа» маъно билан ўрнатилади.

10-жадвал

Код	Маъноси	Код	Маъноси
Кинофильмлар ва диафильмлар:		Видеокассетали тасмалар:	
a	= 8 мм	a	= 8 мм
b	=Супер 8 мм	m	= ¾ дюйм (2 см) 1,91 см
c	= 9,5 мм	n	= ¼ дюйм (½ см) 0,64 см
d	= 16 мм	o	= ½ дюйм (1 1/3 см) 1,27

10-жадвалнинг охири

Код	Маъноси	Код	Маъноси
e	= 28 мм	p	= 1 дюйм (2½ см) 2,54 см
f	= 35 мм	q	= 2 дюйм (5 см) 5,08 см
g	= 70 мм		
Транспарантлар (тиник расмлар):		Слайдлар:	
r	= 8x10 дюйм (21x26 см)	l	= 2x2 дюйм (5x5 см)
s	= 4x5 дюйм (10x12½ см)	k	= 2¼x2¼ дюйм (5½x5½ см)
t	= 5x7 дюйм (12½x17½ см)		
u	= 7x7 дюйм (17½x17½ см)		
v	= 8x8 дюйм (20x20 см)		
w	= 9x9 дюйм (22½x22½ см)		
x	= 10x10 дюйм (25x25 см)		

\$a/ (8-символ позицияси) Физик ташувчининг шакли – визуал-проекцияланган материал, кинофильм

Ижара шаклини аниқлайдиган бир символли код:

- a = ғалтакли фильм;
- b = кассетали бир ғалтакли фильм;
- c = кассетали икки ғалтакли фильм;
- d = фильмнинг бошқа типи;
- g = кассетали бир ғалтакли депозитив;
- h = фильмслип;
- i = диапозитивнинг бошқа типи;
- j = роликли диапозитив;
- k = слайд, слайдлар тўплами, стереография;
- l = транспарант;
- u = номаълум;
- x = кинофильм эмас ва визуал-проекцияланган материал эмас;
- z = ижаранинг бошқа шакллари.

Видеоёзувларни ижарага бериш шакллари учун 15-символлар позициясига қаранг.

\$a / (9-символ позицияси) Видеоёзув, кинофильм техникаси

Фильмлар ёки видеоёзувларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган техник усулларни кўрсатувчи бир символли код:

- a = анимацион кино;
- b = ҳақиқийлик тасвири;
- c = анимацион кино ва ҳақиқийлик тасвири;
- u = аниқланмаган / номаълум;
- x = кинофильм эмас ва видеоёзув эмас;
- z = бошқалар.

\$a / (10-символ позицияси) Тақдим этиш формати – кинофильмлар

Кинофильмни тақдим этишнинг стандарт ёки махсус форматини аниқлайдиган бир символли код:

- a = стандарт товушли апертура (кичрайтирилган формат);
- b = анаморфот эмас (кенг экран);
- c = 3D (ҳажмли);
- d = анаморфот (кенг экран);
- e = стандарт товушсиз апертура;
- f = бошқа кенг экранли формат;
- x = кинофильм эмас;
- u = номаълум;
- z = бошқалар.

\$a / (11-14-символлар позициялари) Илова қилинадиган материал

Асосий материалга илова қилинадиган материаллар турини аниқлайдиган ҳарfli код.

Тўрттагача код қўлланилади (чапга текисланган). Фойдаланилмаган позициялар бош жойларни ўз ичига олади.

Агар ҳужжатни тавсифлаш учун тўрттадан ортиқ код ишлатиш мумкин бўлса (яъни, илова қилинган материалнинг тўрттадан ортиқ типи иштирок этса), биринчи тўртта кодни қуйидаги рўйхатда келтирилган тартибда танлаш керак. Илова қилинган материал учун қуйидаги кодлар ўрнатилган:

- a = рекламали кадрлар;
- b = сценарий материаллари;
- c = афишалар;
- d = дастурлар ва буклетлар;
- e = таклифнома чипталари;
- f = йўриқномалар;
- g = партитуралар ёки бошқа мусиқа материаллари;
- h = андазалар ёки костюмлар эскизлари;
- z = бошқа илова қилинган материал.

\$a / (15-символ позицияси) Физик ташувчининг шакли – видеоёзувлар

Қуйидаги кодлар қўлланилади:

- a = бир ғалтакли видеокассета;
- b = видеодиск;
- c = икки ғалтакли видеокассета;
- d = ғалтакли видеотасма;
- e = электрон видеоёзув (EVR);
- x = видеоёзув эмас;
- z = видеоёзувнинг бошқа типи.

\$a/ (16-символ позицияси) Тақдим этиш формати – Видеоёзувлар

Қуйидаги кодлар қўлланилади:

- a = Beta (икки ғалтакли видеокассета);

- b = VHS (икки ғалтакли видеокассета);
- c = U-matic (икки ғалтикли видеокассета);
- d = EIAJ (ғалтак);
- e = C типи (ғалтак);
- f = ғалтакли тўртлаштирилган (ўрам);
- g = лазерли оптик (акс эттирадиган) видеодиск;
- h = CED (ҳажмли электрон диск) видеодиск;
- i = V2000 (икки ғалтакли видеокассета);
- j = Video 8 (икки ғалтакли видеокассета);
- k = DVD-Video (Digital Versatile Disc, ёки Digital Video Disc);
- u = номаълум;
- x = видеоёзув эмас;
- z = бошқалар.

\$a / (17-символ позицияси) Эмульсия асоси – визуал-проекцияланган материаллар

Эмульсия учун хизмат қиладиган материалнинг турини аниқлайдиган бир символли код. Қуйидаги қийматлар қўлланади:

- a = ёнмайдиган (хавфсиз) киноплёнка;
- b = ёнмайдигандан фарқ қиладиган плёнкали асос;
- c = синтетик (пластик, винил ва ҳ.);
- u = номаълум;
- v = аралаш (асоснинг бир типидан кўпини ўз ичига олади);
- x = визуал-проекцияланган материал эмас;
- z = бошқа.

\$a / (18-символ позицияси) Иккиламчи асос материаллари – визуал-проекцияланган материаллар.

Монтажда қўлланиладиган материал турининг спецификацияси учун ишлатиладиган бир символли код. Қуйидаги қийматлар қўлланилади:

- a = картон;
- b = шиша;
- c = синтетик (пластик, винил ва ҳ.);
- d = металл;
- e = металл ва шиша;
- f = синтетик (пластик, винил ва ҳ.) ва шиша;
- u = номаълум;
- x = визуал-проекцияланган материал эмас;
- y = мавжуд эмас (муқова ости йўқ);
- z = бошқа.

\$a / (19-символ позицияси) Трансляция стандарти – видеоёзувлар Сатрлар сонини (ва зарур бўлганда тизимни) кўрсатувчи бир символли код. Қуйидаги қийматлар қўлланилади:

- a = 405;

- b = 525 (мисол учун, NTSC);
- c = 625 PAL;
- d = 625 SECAM;
- g = 1125.

116 Кодланган маълумотлар майдони: тасвирий материаллар

Майдон проекцияланмаган тасвирий материалларга тегишли кодланган маълумотларни ўз ичига олади.

Факультатив

Агар тавсиф қилинаётган ҳужжат тасвирий материалларнинг биттадан кўп турини ўз ичига олса, такрорланади.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Тасвирий материаллар учун кодланган маълумотлар.

\$a майдон остига ёзилган барча маълумотлар символнинг позицияси билан идентификацияланади. Символлар позициялари 0 дан 17 гача рақамланади.

Маълумотлар мавжуд бўлганда мажбурий.

Такрорланмайди.

\$a майдон ости маълумотларининг элементлари 11-жадвалда келтирилган.

11-жавдал

Маълумотлар элементининг номи	Символлар сони	Символлар позициялари
(1) Материал спецификациясининг белгиланиши	1	0
(2) Бирламчи асос materiali	1	1
(3) Иккиламчи асос materiali	1	2
(4) Ранг	1	3
(5) Техника (расмлар, суратлар)	6	4-9
(6) Техника (босиб чиқариш)	6	10-15
(7) Функционал вазифа	2	16-17

Агар маълумотларнинг қайсидир элементи кодланган шаклда мавжуд бўлмаса, символ позициясига тўлдирувчи-символ ёзилади. Агар барча етти та маълумот элементлари кодланмаса, майдон ёзувда иштирок этмаслиги керак.

\$a / (0-символ позицияси) Тасвирий материалнинг специфик белгиланиши

Ҳужжатга тегишли (одатда – физик объектларнинг синфи) тасвирий материаллар ўзига хос синфининг специфик белгиланишини аниқлайдиган бир символли код.

Қуйидаги кодлар қўлланилади:

- a = коллаж;
- b = расм;
- c = тасвирий асарлар;
- d = фотомеханик репродукция;
- e = фотонегатив;
- f = фототамга;
- h = тасвир;
- i = гравюра;
- k = техник расмлар;
- m = асл нусха;
- z = проекцияланмаган тасвирнинг бошқа типи.

«z» коди аралаш техникаларда бажарилган, қўл ва босма усуллар (уларнинг ҳеч қайси бири устун бўлмаган) комбинацияси ёрдамида қайта тикланган ресурслар учун қўлланилади.

\$a / (1-символ позицияси) Бирламчи асос материали

Проекцияланмаган тасвир учун бирламчи асос сифатида қўлланиладиган материал турини аниқлайдиган бир символли код (яъни, тасвир босиб чиқарилган ёки бажарилган асослар ёки базалар).

Қуйидаги кодлар қўлланилади:

- a = холст;
- b = бристол картони;
- c = картон/тасвирий картон;
- d = шиша;
- e = синтетик материаллар (пластик, винил ва ҳ.);
- f = тери асосидаги материаллар (тери, пергамент ва ҳ.);
- g = матолар (шу жумладан, сунъий тола);
- h = металл;
- i = қоғоз;
- j = гипс;
- k = ДСП;
- l = чинни;
- m = тош;
- n = дарахт;
- o = хитой қоғози;
- u = номаълум;
- v = аралаш;
- z = бошқа.

\$a / (2-символ позицияси) Иккиламчи асос материали

Бирламчи асос материални қоплайдиган материал турини аниқлайдиган бир символли код. Символ позицияси, агар асос материали ёки паспарту фақат тарихий, ахборот, эстетик ёки архив аҳамиятга эга бўлса, ишлатилади (Бошқа ҳолларда «u» коди қўлланилиши керак).

Бирламчи асос материалидаги кодлар (1-символ позицияси) биргина қўшимча код билан қўлланилади:

- y = иккиламчи асос йўқ.

\$a / (3-символ позицияси) Ранг

Проекцияланмаган тасвирий хужжатнинг рангини аниқлайдиган бир символли код.

Қуйидаги кодлар қўлланилади:

- a = бир рангли, монохром;

- b = оқ-қора;

- c = кўп рангли;

- d = қўлда бўялган;

- u = номаълум;

- v = аралаш;

- z = бошқалар.

\$a / (4-9-символлар позициялари) Техника (расмнинг, тасвирий асарнинг)

Расм ёки суратни яратиш техникасини аниқлайдиган учта икки символли код. Кодлар чапдан ўнгга киритилади, ишлатилмайдиган позициялар бўш жойлар билан (#) тўлдирилади. Агар тавсифланаётган тасвирий хужжат расм ҳам, сурат ҳам бўлмаса, унда 4-5-позициялар «xx»ни (қўлланилмайди), 6-9-позициялар бўш жойларни (#) ўз ичига олади.

12-жадвалда келтирилган қуйидаги кодлардан фойдаланилади.

12-жавдал

Код	Маъноси	Код	Маъноси
aa	= қалам	bb	= ўйма бўёқлар
ab	= графит	bc	= рангли бўр
ac	= рангли қалам	bd	= сепия
ad	= тушь	be	= ёзув сиёҳи
ae	= тушь («lavierung India ink»)	bf	= елимли тасвирий асар
af	= кўмир	bg	= олтинламоқ
ag	= бўр	bh	= мумли тасвирий асар, энкаустика
ah	= қора бўр	bi	= акрил бўёқлар
ai	= сангина	bj	= коллаж
aj	= акварел бўёқлар	bk	= кумуш қалам
ak	= темпера	bl	= аэрограф
al	= гуашь	uu	= номаълум
am	= пастель	vv	= аралаш техника
an	= мой бўёқлар	xx	= қўлланилмайди
ba	= фломастер	zz	= бошқа техника

\$a / (10-15-символлар позициялари) Техника (босма графиканинг)

Босиб чиқариш техникасини аниқлайдиган учта икки символли код. Кодлар чапдан ўнгга киритилади, ишлатилмайдиган позициялар бўш жойлар (#) билан тўлдирилади. Агар тавсифланаётган тасвирий ҳужжат босма графиканинг асари бўлмаса, унда 10-11-позициялар «xx»ни (қўлланилмайди), 12-15-позициялар эса бўш жойларни (#) ўз ичига олади.

13-жадвалда келтирилган қуйидаги кодлардан фойдаланилади.

13-жадвал

Код	Маъноси	Код	Маъноси
ba	= кесилган (бўйлама) ксилография	cb	= гравюра
bb	= кьяроскуро, рангли ксилография	cc	= қаламли усул
bc	= қора фондаги оқ чизиқ билан ксилография	cd	= кескичли гравюра
bd	= «сатмаieu», рангли ксилография	ce	= куруқ игна
be	= гелиография	cf	= меццо-тинто, қора услуб
bf	= хромофотография	cg	= монотипия
bg	= линография	ch	= шелкография
bh	= офорт	ci	= пўлатдаги гравюра
bi	= литография	cj	= компьютер графикаси
bj	= фотофотография	ck	= фотонусха
bk	= цинкография	cl	= лавис
bl	= альграфия	cm	= пунктир
bm	= акватинта	cn	= шин-колле
bn	= резерваж, сиёҳ усули	uu	= номаълум
bo	= кўндаланг (кўндаланг кесим) ксилография	vv	= аралаш техника
bp	= тонли литография	xx	= қўлланилмайди
ca	= юмшоқ лок, кўчма лок	zz	= бошқа техника

\$a / (16-17-символлар позициялари) Функционал вазифа

Ҳужжатнинг функционал йўналганлигини (ҳужжат турини) аниқлаш учун қўлланиладиган икки символли код. Агар код қўлланилмаса, унда бу позициялар «xx»ни (қўлланилмайди) ўз ичига олади. 14-жадвалда келтирилган қуйидаги кодлардан фойдаланилади.

14-жадвал

Код	Маъноси	Код	Маъноси
aa	= меъморий расм	aj	= эфемера
ab	= муқова	ak	= иллюстрация
ac	= наклеяка, этикетка, ёрлиқ	an	= календарь
ad	= плакат, афиша	as	= ўтказиш карточкаси (place card)
ae	= почта открыткаси	au	= сантино (santino)
af	= табрик открыткаси	uu	= номаълум
ag	= схема, жадвал, харита	vv	= аралаш вазифа
ah	= ўйин учун карталар	xx	= қўлланилмайди
ai	= ўқув карточкаси, матн ва расмли карточка	zz	= бошқа вазифа

117 Кодланган маълумотлар майдони: уч ўлчовли сунъий ва табиий объектлар

Факультатив

Агар ёзув уч ўлчовли объектлар бир неча турларининг тавсифини ўз ичига олса, такрорланади.

1-индикатор : # (аниқланмаган)

2-индикатор : # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

§а Сунъий ёки табиий уч ўлчовли объект ҳақида кодланган маълумотлар.

§а майдон остисига ёзиладиган барча маълумотлар майдон остидаги символ позицияси билан идентификацияланади. Символлар позициялари 0 дан 8 гача рақамланади. Барча аниқланган символлар позициялари майдон остида иштирок этишлари керак.

Агар 117-майдон ёзувда келтирилса, мажбурий.

Такрорланмайди.

§а майдон ости маълумотларининг элементлари 15-жадвалда келтирилган.

15-жадвал

Маълумотлар элементининг номи	Символлар сони	Символлар позициялари
(1) Материалнинг специфик белгиланиши	2	0-1
(2) Материал	6	2-7
(3) Ранг	1	8

Агар қайсидир маълумотлар элементи кодланмаса, унда тегишли символ пизицияларига тўлдирувчи-символ ёзилади. Агар барча учта маълумотлар элементи кодланмаса, майдон ёзувда иштирок этмаслиги керак.

§а / (0-1-символлар позициялари) Материалнинг ўзига хос белгиланиши

Икки символли код тавсифланадиган объектга тааллуқли объектлар синфига тегишли материалнинг умумий белгиланишини аниқлайди. 16-жадвалда келтирилган қуйидаги кодлардан фойдаланилади.

16-жадвал

Код	Маъноси	Код	Маъноси
aa	= ўқув комплекти	ar	= қўғирчоқлар
ab	= лаборатория ёки қурилиш тўплами	as	= моделлар
ac	= намуналар (биологик ва ҳ.)	at	= конструкторлаш учун моделлар
ad	= фауна	ba	= диорамалар

16-жадвалнинг охири

Код	Маъноси	Код	Маъноси
ae	= флора	bb	= макетлар, нусхалар
af	= минераллар	bc	= ҳайкаллар
ag	= микроскоп учун препаратлар	bd	= дизайн предметлари
ah	= таркибий расм-пазл	be	= саноат маҳсулоти
ai	= асбоблар ва ускуна	bf	= механизмлар
aj	= куролланиш	bg	= тангалар
ak	= контейнерлар, идишлар	bh	= медаллар
al	= мебель	bi	= заргарлик буюмлари
am	= транспорт	bj	= артефактлар
an	= матодан буюмлар	uu	= номаълум
ao	= кийим	vv	= аралаш материал
ap	= дам олиш учун ўйинлар ва предметлар	zz	= бошқа
aq	= ўйинчоқлар		

\$a / (2-7-символлар позициялари) Материал

Уч ўлчовли сунъий ёки табиий объект ишланган материалнинг типини аниқлайдиган икки символли код.

17-жадвалда келтирилган қуйидаги кодлардан фойдаланилади.

17-жадвал

Код	Маъноси	Код	Маъноси
aa	= терракота	de	= семпертит
ab	= мум	df	= порфир
ac	= лой	ea	= қоғоз
ad	= майолика	eb	= картон
ae	= чинни	fa	= қимматбаҳо металллар
af	= сопол	fb	= металл
ag	= гипс	fc	= бронза
ah	= шиша	fd	= мис
ba	= дарахт	ga	= синтетик материаллар
ca	= фил суяги	ha	= газлама
da	= тош	ia	= пластмасса
db	= қимматбаҳо тошлар	uu	= номаълум
dc	= мармар	vv	= аралаш материал
dd	= базальт	zz	= бошқа

\$a / (8-символ позицияси) Ранг

Уч ўлчовли сунъий ёки табиий объектнинг рангини аниқлайдиган бир символли код.

Қуйидаги кодлар қўлланилади:

- a = бир рангли, монохром;
- b = оқ-қора;
- c = кўп рангли;

- d = қўлда бўялган;
- u = номаълум;
- v = аралаш;
- x = қўлланилмайди;
- z = бошқа.

120 Кодланган маълумотлар майдони: картографик материаллар – умумий характеристикалар

Майдон картографик материалларга тегишли қайд қилинган узунликдаги кодланган маълумотларни ўз ичига олади.

Маркернинг 8-позицияси #, 0, 1 қийматларга эга бўлса, картографик материаллар учун мажбурий.

Такрорланмайди.

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Картографик материал ҳақида кодланган маълумотлар (умумий).

\$a майдон остисида ёзиладиган барча маълумотлар майдон остида символнинг позицияси билан идентификацияланади. Символлар позициялари 0 дан 12 гача рақамланади. Барча аниқланган символлар позициялари майдон остида бўлиши керак.

Агар 120-майдон ёзувда келтирилган бўлса, мажбурий.

Такрорланмайди.

\$a майдон ости маълумотларининг элементлари 18-жадвалда келтирилган.

18-жадвал

Маълумотлар элементининг номи	Символлар сони	Символлар позициялари
(1) Ранг индикатори	1	0
(2) Кўрсаткич индикатори	1	1
(3) Ҳикоя матни индикатори	1	2
(4) Рельефни тасвирлаш усуллариининг кодлари	4	3-6
(5) Картографик проекция	2	7-8
(6) Бошланғич (нолинчи) меридиан	4	9-12

\$a / (0-символ позицияси) Ранг индикатори

Ушбу ресурсда рангни ишлатишни аниқлайдиган бир символли код:

- a = бир рангли;
- b = рангли.

\$a / (1-символ позицияси) Кўрсаткич индикатори

Ҳужжатда кўрсаткич ёки номлар рўйхати мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлайдиган бир символли код:

- a = картографик материалнинг ўзидаги кўрсаткич ёки номлар рўйхати;
- b = картографик материалга илова қилинадиган кўрсаткич ёки номлар рўйхати, буклет, брошюра, ёпиштирилмаган муқова ва ҳ. кўринишида бўлади;
- c = кўрсаткич ёки номлар рўйхати мавжуд, лекин уларни ифодалаш усули аниқланмаган;
- y = кўрсаткич ёки номлар рўйхати йўқ.

\$a / (2-символ позицияси) Ҳикоя матни индикатори
Картографик материалда ҳикоя матнининг мавжудлигини аниқлайдиган бир символли код:

- a = картографик материалнинг ўзидаги матн;
- b = буклет, брошюра, ёпиштирилмаган муқова ва ҳ. кўринишида тақдим этилган картографик материалга илова қилинган матн;
- y = ҳикоя матни йўқ.

\$a / (3-6-символлар позициялари) Рельефни тасвирлаш усулининг кодлари

Рельефни тасвирлаш усуллари аниқлайдиган ҳарфли кодлар.

Тўрттагача кодлар қўлланилиши мумкин, улар чапдан ўнгга тўлдирилади. Ишлатилмаган позициялар бўш жойларни (#) ўз ичига олади. Агар ҳеч қайси код қўлланилмаса, 3-6 символлар позициялари бўш жойларни ўз ичига олади. Кодлар тавсифланаётган материал учун уларнинг муҳимлиги тартибида ёзилади. Рельефни тасвирлаш усулининг қуйидаги кодлари қўлланилади:

- a = горизонталлар;
- b = рельефга қўйилган соя;
- c = қатлам-қатлам қилиб бўяшли горизонталлар;
- d = штрихлар;
- e = чуқурликлар белгилари;
- f = шакллар чизиклари;
- g = баландликлар белгилари;
- h = рангдаги бошқа усуллар (масалан, Имхофа услубида);
- i = рельефнинг келажакдаги тасвири (суратли);
- j = ер шакллари усули (масалан, Лобек, Райс, Фенеман услубида);
- k = изобатлар;
- x = қўлланилмайди;
- z = рельефни ифодалашнинг бошқа усуллари.

\$a / (7-8-символлар позициялари) Харита проекцияси
Ушбу ҳужжатда проекция ишлатилган бўлса, унинг типини аниқлайдиган икки символли код. Харита проекциялари турларининг кодлари 19-жадвалда келтирилган.

19-жадвал

Код	Маъноси	Код	Маъноси
Азимутал проекциялар		Цилиндрик проекциялар	
aa	= Аитова	ba	= Голла
ab	= гномоник	bb	= катта-кичиклиги бир хил Гуд
ac	= азимутал катта-кичиклиги бир хил Ламберта	bc	= цилиндрик Ламберт катта-кичиклиги бир хил
ad	= ортографик	bd	= Меркатора
ae	= азимутал тенг ораликли	be	= Миллера
af	= стереографик	bf	= Мольвейде
ag	= азимутал тенг катта	bg	= синусоидал
au	= азимутал, аниқ тип номаълум	bh	= кўндаланг Меркатора
az	= азимутал бошқа типлар	bi	= Гаусса
Конусли проекциялар		bj	= оддий цилиндрик (квадратли)
ca	= Альберс тенг катта	bk	= Кассини
cb	= Бонна	bl	= Лаборда
cc	= конусавий тенг бурчакли Ламберт проекцияси	bm	= кийшиқ Меркатор проекцияси
cd	= конусавий (оддий)	bu	= цилиндрик, аниқ тип номаълум
ce	= биполяр кийшиқ тенг бурчакли конусавий Миллер проекцияси	bz	= цилиндрик бошқа аниқ типлар
cf	= Делиль проекцияси	Бошқа проекциялар	
cg	= Халқаро жаҳон харитасининг проекцияси	da	= броненосецсимон
ch	= тенг бурчакли конусавий Тиссо	db	= капалак кўринишдаги
cr	= ярим конусавий	dc	= Эккерта
cu	= конусавий, аниқ тип номаълум	dd	= тенг катта Гуда
cz	= конусавий бошқа аниқ типлар	de	= биполяр (таркибий) Миллер
Бошқа проекциялар		df	= Гринтен
uu	= проекция типи номаълум	dg	= Димаксион
xx	= қўлланилмайди	dh	= юраксимон
zz	= бошқа аниқ типлар	di	= кўп қиррали

\$a / (9-12-символлар позициялари) Бошланғич (нолинчи) меридиан

Хужжатга ҳавола бўлса ёки у осон аниқланса, хужжатнинг бошланғич меридианини аниқлайдиган икки символли код. Иккитагача бошланғич меридиан ёзилиши мумкин. Позициялар чапдан ўнгга қараб тўлдирилади. Ишлатилмаган позициялар бош жойларни (#) ўз ичига олади.

Меридианлар кодлари 20-жадвалда келтирилган.

20-жадвал

Код	Меридиан	Код	Меридиан
aa	= Гринвич, Буюк Британия	ba	= Мадрид, Испания
ab	= Амстердам, Голландия	bb	= Мехико, Мексика
ac	= Афины, Греция	bc	= Москва, Россия
ad	= Батавия (Джакарта) Индонезия	bd	= Мюнхен, Германия
ae	= Берн, Швейцария	be	= Неаполь, Италия

20-жадвалнинг охири

Код	Меридиан	Код	Меридиан
af	= Богота, Колумбия	bf	= Осло (Кристиания) Норвегия
ag	= Бомбей, Ҳиндистон	bg	= Париж, Франция
ah	= Брюссель, Бельгия	bh	= Пекин, Хитой
ai	= Кадис, Испания	bi	= Филадельфия, АҚШ
aj	= Кейптаун, ЖАР	bj	= Пулково (Санкт-Петербург), Россия
ak	= Каракас, Венесуэла	bk	= Рио-де-Жанейро, Бразилия
al	= Копенгаген, Дания	bl	= Рим, Италия
am	= Кордова, Аргентина	bm	= Сантьяго, Чили
an	= Ферро, Канар ороллари	bn	= Стокгольм, Швеция
ao	= Хельсинки, Финляндия	bo	= Сидней, Австралия
ap	= Истамбул, Туркия	bp	= Тирана, Албания
aq	= Юлианехоб, Гренландия	bq	= Токио, Япония
ar	= Лиссабон, Португалия	br	= Вашингтон, Колумбия округи, АҚШ
as	= Лондон, Буюк Британия	uu	= номаълум
at	= Мадрас, Ҳиндистон	zz	= бошқалар

Ўзаро боғланган майдонлар:

131 Кодланган маълумотлар майдони: картографик материаллар – геодезик ва координата тўрлари ва ўлчаш тизимлари

206 Ўзига хос маълумотлар соҳаси: картографик материаллар – математик маълумотлар

215 Физик характеристика

121 Кодланган маълумотлар майдони: картографик материаллар – физик характеристикалар

Майдон картографик материалларнинг физик характеристикаларига тегишли кодланган маълумотларни ўз ичига олади.

Факультатив

Такрорланмайди

1-индикатор: # (аниқланмаган)

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Картографик материал тўғрисидаги кодланган маълумотлар: физик характеристикалар – умумий.

Факультатив

Такрорланмайди

\$a майдон ости маълумотларининг элементлари 21-жадвалда келтирилган.

21-жадвал

Маълумотлар элементининг номи	Символлар сони	Символлар позициялари
(1) Физик катталиқ	1	0
(2) Бошланғич картографик материаллар	2	1-2
(3) Физик ташувчи	2	3-4
(4) Яратиш технологияси	1	5
(5) Акс эттириш шакли	1	6
(6) Геодезик боғланиш	1	7
(7) Нашрнинг физик шакли	1	8

\$b\$ Аэросуратга олиш ва космик суратга олиш кодланган маълумотлари: физик характеристикалар

Факультатив.

Такрорланмайди.

\$b\$ майдон ости маълумотларининг элементлари 22-жадвалда келтирилган.

22-жадвал

Маълумотлар элементининг номи	Символлар сони	Символлар позициялари
(1) Датчик баландлиги	1	0
(2) Датчик жойлашуви	1	1
(3) Спектрал диапазон	2	2-3
(4) Тасвир сифати	1	4
(5) Булутлилиқ	1	5
(6) Ер усти объектларини суратга олишда ажратиш қобилиятининг ўртача катталиги	2	6-7

\$a\$ Картографик материал тўғрисида кодланган маълумотлар: физик характеристикалар – умумий

\$a\$ / (0 символ позицияси) Физик катталиқ

Картографик материалнинг физик катталигини аниқлайдиган бир символли код:

- a = икки ўлчовли;
- b = уч ўлчовли.

\$a\$ / (1-2-символлар позициялари) Бошланғич картографик материаллар.

Бошланғич картографик материалларни яратиш технологиясини аниқлайдиган бир символли кодлар. Иккитагача технология ёзилиши мумкин. Позициялар чапдан ўнгга тўлдирилади. Ишлатилмайдиган позициялар бўш жойларни (#) ўз ичига олади. Қуйидаги кодлар қўлланилади:

- a = қўлда ёки тузувчи ускунада (стерео-плоттер; компьютерни

ишлатиб ёки ишлатмасдан; қўлда бажарилган ёки бўялган хариталар) тузилган;

- b = фотографик (масалан, кўринувчи диапазоннинг аэросуратга олинган материаллари: аэрофотосуратлар, фотохариталар, ортофотосуратлар);

- c = компьютер (масалан, компьютер сатр-босма қурилмадан олинган хариталар);

- d = актив масофадаги датчикларни қўллаган ҳолда бажарилган (a, b ёки c кодларга тегишли технологиялардан ташқари);

- e = пассив масофадаги датчикларни қўллаган ҳолда бажарилган (a, b ёки c кодларга тегишли технологиялардан ташқари).

\$a / (3-4-символлар позициялари) Физик ташувчи

Картографик материалнинг физик ташувчисини аниқлайдиган икки символли код. Коднинг биринчи симболи физик ташувчининг умумий типини аниқлайди. Иккинчи символ типнинг ўзига хос хусусиятини аниқлаштиради. Код картографик материалдан ишланган материални идентификациялаш учун қўлланилади (масалан, картографик материал металл пластинка, литографик тош, пластик асосдаги белгиланган пластинка ва ҳ. дан иборат бўлади).

Фотографик бўлмаган ташувчи учун кодлар:

- aa = қоғоз;
- ab = дарахт;
- ac = тош;
- ad = металл;
- ae = синтетик (мисол учун, пластик, винил);
- af = тери (мисол учун, пергамен);
- ag = текстиль, шу жумладан сунъий тола (мисол учун, ипак, полотно, нейлон);
- ah = компьютер билан мос келадиган магнит тўплагич;
- ai = компьютер билан мос келмайдиган магнит тўплагич;
- aj = нусха кўчирадиган қоғоз (калька, восковка);
- ak = картон;
- ar = гипс;
- au = номаълум;
- az = бошқа фотографик бўлмаган ташувчи типлари.

Фотографик ташувчи учун кодлар:

- ba = шаффоф ёки шаффоф бўлмаган эгилувчан позитив;
- bb = шаффоф ёки шаффоф бўлмаган эгилувчан негатив;
- bc = шаффоф ёки шаффоф бўлмаган қаттиқ позитив;
- bd = шаффоф ёки шаффоф бўлмаган қаттиқ негатив;
- bz = бошқа фотографик ташувчи.

\$a / (5-символ позицияси) Яратиш технологияси

Картографик материал асл нусхасини яратишнинг охирги босқич

технологиясини аниқлайдиган бир символли код. Хариталарни яратиш технологиясининг қуйидаги кодлари қўлланилади:

- a = қўл ёзма (қўлда чизиш, шу жумладан ноёб усуллар: тошни ўйиш, моделларни яратиш);

- b = босма (офсет босма, мисга ўйиб нақш тушириш, ксилография, литография, из, Брайль шрифти билан босиб чиқариш, юқори босма, босиб нақш солиш ва ҳ.);

- c = фотонусха олиш (контакт ёки проекция усули билан энергияни нурлатадиган манба ёрдамида бевосита шаффоф бўлмаган материалларда олинган макрошакллар кўринишидаги барча каттиқ нусхалар);

- d = микрофотосуратга олиш (суратга олиш ёки компьютер ёрдамида олинган шаффоф материаллардаги микрошакллар кўринишидаги барча нусхалар);

- u = номаълум;

3-4 символлар позицияларида аниқланганидек, оралик ташувчида жойлашади (Физик ташувчи);

- z = бошқалар.

\$a / (6-символ позицияси) Қайта тиклаш шакли

Картографик материални қайта тиклаш шаклини аниқлайдиган бир символли код:

- a = қўлда;

- b = босма;

- c = фотосуратга олиш;

- d = сатрли босиб чиқариш билан репродукциялаш (мисол учун, ксеронусхалаш, ёруғлик билан нусхалаш, озалид);

- u = қайта тикланмайди.

\$a / (7-символ позицияси) Геодезик боғлаш

Материалнинг геодезик боғланишини аниқлайдиган бир символли код:

- a = боғлашсиз;

- b = координата тўрисиз боғлаш;

- c = координата тўри билан боғлаш;

- x = қўлланилмайди.

\$a / (8-символ позицияси) Нашрнинг физик шакли

Нашрнинг физик шаклини аниқлайдиган бир символли код:

- a = бир варақли;

- b = қисмларда (яъни, серия бўлиб нашр қилинади, серияли нашр сифатида нашр қилинади, бўлим ёки қисмлар билан нашр қилинади);

- c = атлас, шу жумладан алоҳида варақли атласлар;

- d = журналга алоҳида илова сифатида, монографиялар ва ҳ.;

- e = журнал, монография ва ҳ. билан битта муқовада;

- z = бошқалар.

\$b\$ Аэросуратга олиш ва космик суратга олишнинг кодланган маълумотлари: Физик характеристикалар

\$b\$ / (0-символ позицияси) Датчик баландлиги

Картографик бирлик учун датчик платформасининг ҳолатини (баландлигини) аниқлайдиган бир символли код:

- a = ер усти;
- b = ҳаво;
- c = космик.

\$b\$ / (1-символ позицияси) Датчик ҳолати

Катографик бирлик тасвирини олаётгандаги масофадаги датчикнинг бурчакли ҳолатини аниқлайдиган бир символли код:

- a = тор бурчакли;
- b = кенг бурчакли;
- c = вертикал.

\$b\$ / (2-3-символлар позициялари) Спектрал диапазон

Ишлатиладиган спектрал диапазонларнинг сонини аниқлайдиган икки рақамли символлар. Сон ўнгга текисланади. Ишлатилмаган позициялар нолларни ўз ичига олади. Фақатгина масофадаги датчиклар учун қўлланилади. Қуйидаги кодлардан фойдаланилади:

- 01 дан 99 гача = диапазонлар сони;
- xx = қўлланилмайди.

\$b\$ / (4-символ позицияси) Тасвир сифати

Тасвир сифатини аниқлайдиган бир символли код:

- a = ёмон;
- b = қониқарли;
- c = яхши;
- d = жуда яхши.

\$b\$ / (5-символ позицияси) Булутлилик

Саккиз балли шкала бўйича булутлилик даражасини аниқлайдиган бир символли рақамли код:

- 1 = булутли қоплама 1/8;
- 2 = булутли қоплама 2/8;
- 3 = булутли қоплама 3/8;
- 4 = булутли қоплама 4/8;
- 5 = булутли қоплама 5/8;
- 6 = булутли қоплама 6/8;
- 7 = булутли қоплама 7/8;
- 8 = яхлит булутлилик.

\$b / (6-7-символлар позициялари) Ер усти объектларини суратга олганда ажратиш қобилиятининг ўртача катталиги

Ажратишнинг ўртача қийматини аниқлайдиган икки символли код. 6-позицияда ажратиш учун ўртача рақамли қиймат аниқланади ёки у бир сантиметрдан кичик ёки тўққиз километрдан катта деб белгиланади. 7-позиция қўлланиладиган ўлчаш бирлиги учун кодни ўз ичига олади.

Фақат космик суратлар учун қўлланилади.

Ажратишнинг ўртача қиймати (6-символ позицияси) қуйидаги қийматлар кўринишида ифодаланади:

- a) – (минус белгиси) = бир сантиметрдан кичик
- b) 1-9 = сонли қиймат
- c) + (плюс белгиси) = тўққиз километрдан катта
- d) x = қўлланилмайди

Қўлланиладиган ўлчаш бирлиги (7-символ позицияси) қуйидаги кодлар кўринишида ифодаланади:

- c = сантиметрлар;
- i = дециметрлар;
- m = метрлар;
- d = декаметрлар;
- h = гектаметрлар;
- k = километрлар;
- x = қўлланилмайди.

Мисоллар

1 Ажратишнинг ўртача қиймати 5 сантиметр:

121 ##\$a#####5c...

2 Ажратишнинг ўртача қиймати 80 метр:

121 ##\$a#####8d...

3 Ажратишнинг ўртача қиймати 10 километр:

121 ##\$a#####+k...

4 Космик бўлмаган сурат:

121 ##\$a#####xx...

Ўзаро боғланган майдонлар:

120 Кодланган маълумотлар майдони: картографик материаллар – умумий характеристикалар

131 Кодланган маълумотлар майдони: картографик материаллар – геодезик ва координата тўрлари ва ўлчашлар тизими.

122 Кодланган маълумотлар майдони: ҳужжат мазмуни билан қамраб олинadиган вақт даври

Майдон ҳужжат мазмуни билан қамраб олинadиган вақт даврини

кўрсатиш учун форматланган маълумотларни ўз ичига олади.

Факультатив

Фақат бир нечта алоҳида саналар ва саналар диапазони ўртасидаги фарқларни ўрнатиш учун такрорланади.

1-индикатор: Саналар сони индикатори:

- 0 – Битта санали ҳужжат;
- 1 – Бир нечта алоҳида саналар;
- 2 – Саналар диапазони.

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Эрамизгача бўлган 9999 йилдан бошлаб ҳозирги вақтгача бўлган вақт даври.

Агар 122-майдон ёзувда иштирок этса, мажбурий.

Такрорланади.

\$a майдон ости минимум 5 ва максимум 11 та символни ўз ичига олади.

\$a / (0-символ позицияси) Эра идентификатори

Эраинг вақт даврини кўрсатувчи бир ҳарfli символ:

- c = бизнинг эрадан аввалги сана;
- d = бизнинг эра санаси.

\$a / (1-4-символлар позициялари) Йил

Агар майдон ёзувда келтирилса, тўлдириш мажбурий.

Ўнгга ноллар билан текисланган тўртта рақамли символ.

\$a / (5-6-символ позициялари) Ой

Факультатив.

Ўнгга ноллар билан текисланган иккита рақамли символ.

\$a / (7-8-символ позициялари) Сана

Факультатив.

Ўнгга ноллар билан текисланган иккита рақамли символ.

\$a / (9-10-символ позициялари) Вақт

Факультатив.

Ўнгга ноллар билан текисланган иккита рақамли символ. Асосга яқин бўлган соатга яхлитланган, маҳаллий вақт бўйича 24 соат олинади.

Агар факультатив элементлардан қайсидир бири тўлдирилса, унда олдинги барча факультатив элементлар қўлланилиши керак.

Майдон, шунингдек аниқ амал қилиш муддатига эга норматив ҳужжатлардаги ёзувларда қўлланилади («.....гача киритилган» ёки «Киритилган ...»). Биринчи ҳолда «0» индикатори, иккинчисида «2» индикатори қўлланилади.

Ўзаро боғланган майдонлар:

100 Умумий ишлов бериш маълумотлари, нашр қилиш санаси (8-16 символлар позициялари)

661 Вақт даври коди

123 Кодланган маълумотлар майдони: картографик материаллар – масштаб ва координаталар

Майдон 206-майдонга ёзиладиган масштаб ва координаталар тўғрисида худди шундай маълумотларни ўз ичига олади, лекин улар кодланган шаклда бўлади.

Агар маркернинг 8-позицияси #, 0, 1 қийматларга эга бўлса, картографик материаллар учун мажбурий.

Агар материал турли масштабларда ва ҳар хил координатали маълумотларни ўз ичига олса, такрорланади.

1-индикатор: Масштаб типи индикатори

Индикатор майдонда бир ёки бир неча масштаб ёзилганини аниқлайди:

- 0 – Аниқ бўлмаган масштаб;
- 1 – Бир масштаб;
- 2 – Бир неча масштаб;
- 3 – Масштаблар диапазони;
- 4 – Тахминий масштаб.

2-индикатор: # (аниқланмаган)

Майдон остилар:

\$a Масштаб типи

Мажбурий. Такрорланмайди.

Масштаб типини аниқлайдиган бир символли код. Қуйидаги қийматларни қабул қилади:

- a = чизиқли;
- b = юлдуз хариталарининг бурчакли масштаби;
- z = масштабнинг бошқа типи (мисол учун, вақт, миқдорий статистик).

\$b Чизиқли горизонтал масштабнинг доимий нисбати.

Оддий каср билан ифодаланган сонли масштабнинг махражи шаклидаги горизонтал масштаб. Ер ва бошқа сайёраларнинг картографик тасвирлари учун қўлланилади.

Такрорланади.

\$c Чизиқли вертикал масштабнинг доимий нисбати.

Оддий каср билан ифодаланган сонли масштабнинг махражи шаклидаги вертикал масштаб. Ер ва бошқа сайёраларнинг картографик тасвирлари учун қўлланилади.

Такрорланади.

\$d Координаталар – Чегаравий ғарбий узунлик. Такрорланмайди.

\$e Координаталар – Чегаравий шарқий узунлик. Такрорланмайди.

\$f Координаталар – Чегаравий шимолий кенглик. Такрорланмайди.

\$g Координаталар – Чегаравий жанубий кенглик. Такрорланмайди.

Ер ва бошқа сайёралар картографик тасвирлари учун координаталар. Координаталарнинг ҳар бир майдон остиси (\$d-\$g) 8 символли қайд этилган узунликка эга ва такрорланмайди. Ҳар бир майдон ости қуйидаги маълумотларга эга.

0-символ позицияси. Ёруғлик томонлари. Қуйидаги қийматли кодлар ўрнатилган:

- w = ғарб;
- e = шарқ;
- n = шимол;
- s = жануб.

1-3-символлар позициялари. Градуслар: тўлдирувчи-ноллар билан ўнгга текисланган 3 та рақамли символ.

4-5-символлар позициялари. Минутлар: тўлдирувчи-ноллар билан ўнгга текисланган 2 та рақамли символ.

6-7-символлар позициялари. Секундлар: тўлдирувчи-ноллар билан ўнгга текисланган 2 та рақамли символ.

\$h Бурчакли масштаб. Миллиметрларнинг градусларга бўлган нисбатида бериладиган, тўлдирувчи-ноллар билан ўнгга текисланган тўртта символли сон шаклидаги юлдузли осмон харитасининг бурчакли масштаби. Такрорланади.

\$i Оғиш – Шимолий чегара. Такрорланмайди.

\$j Оғиш – Жанубий чегара. Такрорланмайди.

\$k Тўғри кўтарилиш – Шарқий чегара. Такрорланмайди.

\$m Тўғри кўтарилиш – Ғарбий чегара. Такрорланмайди.

\$i ва \$j майдон остилари 8 та символ узунликка эга ва 0-позиция (юлдузли осмоннинг шимолий ярим шари учун) «+» символини ёки (жанубий ярим шар учун) «-» символини ўз ичига олишидан ташқари \$f ва \$g майдон остиларининг худди шу компонентларини ўз ичига олади.

\$k ва \$m майдон остилари 6 та символ узунликка эга ва қуйидаги маълумотларга эга.

0-1-символлар позициялари. Соат: тўлдирувчи-ноллар билан ўнгга текисланадиган 2 та рақамли символ.

2-3-символлар позициялари. Минут: тўлдирувчи-ноллар билан ўнгга текисланадиган 2 та рақамли символ.

4-5-символлар позициялари. Секунд: тўлдирувчи-ноллар билан ўнгга текисланадиган 2 та рақамли символ.

\$n Тенгкунлик. Етакловчи ноллар билан ўнгга текисланадиган тўрт хонали сон сифатида Григориан календарига асосан киритилган йил билан юлдузли осмон хариталари учун тенгкунлик.

\$o Эпоха. Етакловчи ноллар билан ўнгга текисланадиган тўрт хонали сон сифатида Григориан календарига асосан киритилган йил билан юлдузли осмон хариталари учун эпоха.

\$p Майдондаги ахборот тегишли бўлган сайёра

Майдон ости \$d-\$g майдон остиларидаги координаталар Ерга ёки бошқа сайёрага ёки ушбу осмон жисмлари йўлдошига тегишли ёки тегишли эмаслигини билдиради. 0-1 позицияларда сайёра кўрсатилади, 2-позицияда осмон жисми 0-1 позицияларда идентификацияланган сайёра йўлдоши эканлиги кўрсатилади.

0-1-символлар позициялари

